

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**17-сон**  
**(205)**  
**2006 й.**  
**апрель**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

138. «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-330-сон қарори [Кўчирма]
139. «Қозоғистон Республикаси билан икки томонлама маҳсулот айирбошлашни ошириш бўйича интеграциялашув жараёни ва чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 апрелдаги ПҚ-332-сон қарори
140. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сон қарори

*Учинчи бўлим*

141. «2006—2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбат-

лантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

142. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2006 йил 21 апрелдаги 10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 22 апрелда 1564-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
143. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 8 апрелдаги 9/5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 22 апрелда 1122-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
144. «Суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп ҳажми ва тўлов қобилияти меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 8 февралдаги 10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 22 апрелда 1565-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
145. «Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 11 мартдаги 215-В-1, 01-02/19-3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 28 апрелда 1137-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 22 апрелдан 28 апрелгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **138 Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

#### [Кўчирма]

Сўнги йилларда давлат томонидан тўқимачилик саноати қўллаб-қувватланаётгани туфайли мамлакатимизда юкори сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий тўқимачилик корхоналари ташкил этилди. Натижада тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми ва халқаро стандартларга жавоб берадиган тўқимачилик маҳсулотлари экспорти барқарор ўсиб бормоқда.

Шу билан бирга, модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва тўқимачилик саноатига хорижий инвесторларни жалб қилиш суръатлари етарлича эмас. Бунинг оқибатида қимматбаҳо пахта толасининг анчагина қисми эскирган ускуналар билан жиҳозланган корхоналарда сифати паст маҳсулотларга айлантирилмоқда. Тармоқда зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналар сони қисқармаяпти. Тўқимачилик саноати корхоналарининг пахта толасини етказиб берувчиларга ҳамда тижорат банкларининг кредитлари бўйича қарздорлиги юқорилигича қолмоқда.

Тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ишларини жадаллаштириш, техник қолақ ва иқтисодий ночор корхоналарни қатъий тугатиш, қўшма тўқимачилик корхоналари фаолияти ҳамда техник қайта жиҳозлаш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилиш учун қолай шароит яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

ўтказилган инвентаризация натижасида эскирган ускуналарда ишлаётган сифатли рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминламаётган ва ривожланиш истиқболларига эга бўлмаган корхоналар аниқланди (1-иловага\* мувофиқ), уларнинг аксарияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва бошқа кредиторлар ташаббусига кўра белгиланган тартибда банкротлик тўғрисида ишлар қўзғатилди ва тугатиш амалиёти ўтказилмоқда;

хорижий инвесторлар билан биргаликда ташкил этилган ва банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлари бор, иқтисодий ночор тўқимачилик корхоналарга (2-иловага\* мувофиқ) нисбатан кредиторлар томонидан банкротлик жараёнлари бошланган ёки қонунда белгиланган тартибда уларнинг мулкидан жарима ундирилади.

2. Қуйидаги тартиб белгилаб қўйилсин:

1-иловада қўрсатилган корхоналарда замонавий технологик ускуналар асосида модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмагунча эскирган

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

технологик ускуналарда қайта ишлаш учун пахта толаси сотилишига йўл қўйилмайди;

хозирги вақтда модернизация ва қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошираётган 3-иловада\* кўрсатилган корхоналар учун 2007 йил 1 июлгача уларга пахта толаси сотишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади;

илгари сотиб олинган пахта толаси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлари бор республика қайта ишлаш корхоналари биржа савдоларига қатнашишига рухсат этилмайди.

3. Тўқимачилик саноати корхоналари учун инвесторлар ва бошқарувчи компанияларни танлаш бўйича ҳукумат комиссияси (қуйида — Комиссия) 4-иловага\*\* мувофиқ тузилсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари ва ваколатлари этиб қуйидагилар белгилансин:

бюджетга, Ўзбекистон Республикаси кафолатлари бўйича берилган банк кредитлари ҳамда пахта толаси учун ташқи савдо компаниялари олдида муддати ўтказиб юборилган қарзлар бўйича мулкига кредиторларнинг талаблари қаратилган иқтисодий ночор тўқимачилик корхоналарини сотиш ва бошқарувга бериш, инвесторлар ёки замонавий тўқимачилик корхоналари менежменти тажрибасига эга бошқарувчи компаниялар ўртасида очиқ танловларни ўтказиш;

эскирган технологик ускуналари бор тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурига киритиш ва ундан чиқариб ташлаш;

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида пахта толасини сотиш бўйича ёпиқ кимошди савдоларига киритиладиган тўқимачилик корхоналари рўйхатига қўшиш ва бу рўйхатдан чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

тўқимачилик корхоналари модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ишларини бажаргандан сўнг уларни Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида пахта толасини сотиб олишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш.

4. Комиссия (Азимов Р.С.):

берилган ваколатларга мувофиқ ўзига юклатилган вазифаларнинг тезкор ҳал этилишини таъминлаш ва ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига амалга ошириладиган ишларнинг муайян натижаси ҳақида ҳисобот бериш;

2006 йилнинг 1 июлигача 2-иловада қайд этилган корхоналар учун инвесторлар ёки бошқарув компанияларини танлаш ишлари якунлансин.

5. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2006—2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясига ўз таркибига хорижий инвестициялар киритилган корхоналарни бирлашган аъзолар сифатида ушбу корхоналар таъсисчиларининг қарорига мувофиқ қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

7. Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси томонидан ўтказиладиган очиқ биржа савдоларида пахтани қайта ишлайдиган корхоналарга сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан

\* 3, 5-илловалар рус тилидаги матнда берилган.

\*\* 4-илова берилмайди.

ҳамкорликда икки ҳафта ичида пахта толасини ЎзРТХБ орқали республика корхоналарига сотишда қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Белгилансинки, тайёр тўқимачилик маҳсулоти экспортини кенгайтиришни рағбатлантириш учун ўз маҳсулотининг 80 ва ундан кўп фоизини эркин айирбошланидиган валютада экспорт қилувчи тўқимачилик саноати корхоналари 2006 йилнинг 1 майдан 2009 йилнинг 1 январигача мулк солиғидан озод этилади.

11. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 21 апрель,  
ПҚ-330-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2006 йил 21 апрелдаги 330-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 сентябрдаги «Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 414-қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

а) 3-банддаги «60 кун» сўзи «90 кун» деб ўзгартирилсин;

б) 2-илованинг 3 ва 35-бандлари қуйидаги сатрлар билан тўлдирилсин:

«Бунда ташқи савдо компанияларига хорижий инвестиция киритилган корхоналарга етказиб бериладиган пахта толаси қийматининг 85 фоизи, олдиндан тўлов ёки мазкур корхоналар маҳсулотларининг харидорлари томонидан ташқи савдо компаниялари фойдасига очиладиган ҳисоб рақамни кафолат таъминоти сифатида қабул қилишга рухсат этилади.

Ташқи савдо компаниялари ҳисоб-рақамларига хорижий инвестиция киритилган корхоналар маҳсулотининг экспортидан келиб тушадиган даромад ушбу корхоналарни етказиб берилган пахта толасининг қиймати белгиланган тартибда чегириб қолингач ва валюта даромадининг мажбурий 50 фоизи сотилганидан сўнг, уларнинг ҳисоб рақамига ўтказилади».

в) 2-илованинг 35-бандидаги «60 кун» сўзи «90 кун» деб алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**139 Қозоғистон Республикаси билан икки томонлама маҳсулот айирбошлашни ошириш бўйича интеграциялашув жараёни ва чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида**

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19-20 март кунлари Ўзбекистон Республикасига Давлат ташрифи давомида эришилган ахдлашувларнинг кенг миқёсда ва ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда Қозоғистон Республикаси билан интеграциялашув жараёнини амалга ошириш, икки томонлама товар айирбошлашни кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида:

1. Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига Давлат ташрифи давомида савдо-иқтисодий, инвестиция, банк-молия, транспорт ва гуманитар соҳалардаги норматив-ҳуқуқий базаларни янада мувофиқлаштириш, икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган эришилган ахдлашувни амалга ошириш бўйича тадбирлар Дастури иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур қарорнинг иловасида кўрсатилган масъул ижрочилар — вазирлик ва идоралар Қозоғистон Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича тадбирларни белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ҳуқуматлараро Комиссиясининг Ўзбекистон қисми:

Дастурда назарда тутилган икки томонлама савдонинг интеграциялашув жараёни ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини таъминласин;

мазкур қарорда тасдиқланган Дастурнинг қандай амалга оширилаётганини мажлисларда мунтазам кўриб чиқишни Комиссия иш амалиётига татбиқ этсин;

хар чоракда тадбирлар Дастурининг қандай амалга оширилаётгани тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига Давлат ташрифи давомида имзоланган ҳужжатлар ижроси устидан мунтазам назорат ўрнатсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 апрель,  
ПҚ-332-сон

\* Илова берилмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**140 Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида**

Сўнги йилларда хусусийлаштириш шакл ва услубларини такомиллаштириш, корхоналарни тўлиқ ва акцияларнинг давлат пакетларини хусусий мулкка сотиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодийнинг амалдаги барча соҳаларида мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш учун шарт-шароит яратди. Давлат активлари ва акциялар пакетларини нолга тенг қиймат бўйича сотиш кейинги йилларда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилиш амалга оширилди.

Шу билан бирга, Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини жиддий яхшилаш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари асосий эътиборни майда, иккинчи даражали масалаларга қаратиб, хусусийлаштиришнинг муҳим стратегик йўналишлари бўйича тегишли даражада ташаббускорлик кўрсатмаяпти, фонд бозорини кенгайтириш ва қимматли қоғозлар бозори, айниқса иккиламчи бозорни ривожлантиришни фаоллаштириш бўйича зарур чоралар кўрмапти.

Бозорда монопол мавқега эга бўлган, катта инвестициялар, жумладан хорижий инвестициялар оқимига, замонавий технологияларнинг жорий этилишига эҳтиёж сезаётган йирик компанияларни хусусийлаштириш бўйича ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Кўплаб холдинг ва акционерлик компанияларнинг низом жамғармаларида акцияларнинг давлат пакетлари улуши асоссиз равишда юқориликча сақланиб қолмоқда.

Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг хусусийлаштирилган корхоналарда давлат активларини самарали бошқариш бўйича фаолияти қўйилган талабларга мутлақо жавоб бермайди. Давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчиларининг ишлари юзаки ташкил қилинган бўлиб, амалда «директорлар корпуси» акционерлик жамиятларини бошқариш тизгинини ўз қўлларида ушлаб турибди. Малакавий талаблар ва кузатув кенгашлари ишларини баҳолашни тартибга солувчи меъерий базанинг йўқлиги акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини фаол ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Тизим ходимларини аттестация қилиш натижалари мутахассислар, айниқса ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг малакаси пастлигини кўрсатди. Бу қўмита олдида қўйилган вазифа ва функциялар қониқарсиз бажарилишининг асосий сабабларидан биридир.

Хусусийлаштириш жараёнларини янада фаоллаштириш, давлат мулкини бошқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек Давлат мулки қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раҳбариятининг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича иши қониқарсиз, деб топилсин.

Давлат мулки қўмитаси органлари ишидаги камчиликларни бартараф этиш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув тизимини

мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни таъминлашга доир тадбирлар 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича комплекси (Р. Азимов) тасдиқланган тадбирларни белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Қайд этилган тадбирлар ижроси натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига мунтазам маълумот берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда давлат мулки улушига эга хўжалик юритиш жамиятларидаги кузатув кенгашлари фаолияти, улар томонидан 2005 йилги бизнес-режаларнинг бажарилишини, шунингдек белгиланган тартибда тасдиқланган 2006 йилги бизнес-режалар мавжудлигини атофлича таҳлил қилсин.

Бизнес-режаларнинг асосий кўрсаткичлари бажарилмаган ёки жорий йил учун самарали бизнес-режалар мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу хўжалик юритиш жамиятларидаги ишончли давлат вакиллари ёки компаниялар бошқарувчиларини алмаштиришни, ижрочи директорларни белгиланган тартибда лавозимидан озод этишни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Вазирлар Маҳкамасида ҳар йили тасдиқланадиган жадвал асосида Кузатув кенгашлари раислари ва давлат активларига эга йирик компаниялар раҳбарларининг компанияларнинг аҳволи ва уларни ривожлантириш тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам тинглашни таъминласин ва натижаларга кўра уларнинг ишларини баҳоласин, жавобгарликнинг маъмурий чораларини қўлласин ва давлат органларининг Кузатув кенгашидаги аъзолари ҳамда компаниялар раҳбарларини эгаллаб турган лавозимидан озод этсин;

б) бир ой муддатда давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқласин. Бунда асосий эътибор қўйидагиларга қаратилсин:

давлат активларини хусусий мулкка сотишни амалга ошириш механизмини аниқ белгилаш;

олди-сотди шартномалари ва янги мулкдорнинг, жумладан, инвестиция мажбуриятлари, корхонанинг хусусийлаштиришдан кейинги барқарор фаолият юритиши, объектни харид қилиш пайтида тақдим этилган бизнес-режа кўрсаткичларини бажариши бўйича ўз зиммасига олган масъулиятини белгиловчи томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ҳақидаги шартномалар моддаларининг аниқ мазмун-моҳиятга эгаллиги;

объектлар ва корхоналарни улар жойлашган ер майдонлари билан бирга хусусийлаштириш;

акцияларни янги мулкдорга фақат у қийматини тўлиқ тўлаганидан ва инвестиция мажбуриятларини бажарганидан сўнг мулк қилиб бериш.

4. Қўйидагилар тасдиқлансин:

2 ва 3-иловаларга\*\* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати таркиби бошқарув ходимлари сони 125 бирликдан ошмаган ҳолда;

4, 5 ва 5а-иловаларга\*\* мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тузилмаси ва Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси;

6-иловага\*\* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузури-

\* 1-илова берилмайди.

\*\* 2—6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.



даги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича маркази бошқарув ходимлари сони 93 бирликдан ошмаган ҳолда, шу жумладан марказий аппарат ходимлари тузилмаси 25 бирликдан ошмаган ҳолда;

7-иловага\* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш қўмитаси тўғрисидаги низом.

Белгилансинки, Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига бўйсунди ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ҳисобот беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қўйидаги таклифлари қабул қилинсин:

«Давинком» давлат инвестиция фирмасини тугатиш ва унинг функцияларини Давлат мулки қўмитаси марказий аппаратининг биржа ва биржадан ташқари савдоларда давлат активларини сотиш билан шуғулланувчи бўлинмаларига ва унинг ҳудудий бошқармаларига бериш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий-текшириш институтини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш марказига айлантириш;

«Мулқдор» газетасини «Биржа» газетасига айлантириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

бир ой муддатда Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифаларини, хусусийлаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ўз вақтида амалга ошириш, давлат мулки бошқаруви самарадорлигини таъминлаш, инвесторлар зиммасидаги инвестиция мажбуриятларини бажарилиши учун шахсий масъулиятини аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратсин;

хайъатнинг ойлик йиғилишларида алоҳида ҳудудий бошқармалар ва уларнинг бўлимлари раҳбарларининг юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлар самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб боришни амалиётга жорий этсин, бунда уларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари, шу жумладан эгаллаб турган вазифасидан озод этишгача бўлган чораларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 июндаги 303-сонли «Давинком» инвестиция фирмасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва 2003 йил 24 июлдаги 325-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тақдим этсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 26 апрель,  
ПҚ-335-сон

\* 7-илова рус тилидаги матнда берилган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **141 2006—2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 мартдаги ПҚ–308-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштираётган фуқаролар бандлигини тартибга солиш, шунингдек уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

2006 йилда қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ҳомийлар, шунингдек нодавлат хайрия ташкилотлари маблағлари ҳисобига бир бош сигир бериш йўли билан ҳомийлик ёрдами кўрсатиш дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган фуқароларга меҳнат дафтарчалари очилиши ва юритилишини, шунингдек фуқароларнинг кўрсатиб ўтилган тоифаларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллари ҳисобга олиншини таъминласин;

2006-2007 йилларда ва кейинги йилларда аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ҳамда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳудудий дастурларида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва чорвачилик маҳсулотлари сотаётган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган фуқаролар уларга меҳнат дафтарчалари очиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида меҳнат органларига мурожаат қилишган тақдирда ҳовлима-ховли кўздан кечиришни амалга оширишга рухсат этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда жойлардаги иж-

тимой таъминот органларига шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўланиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

2006 йилда қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ҳомийлар, шунингдек нодавлат хайрия ташкилотлари маблағлари ҳисобига бир бош сигир бериш йўли билан ҳомийлик ёрдами кўрсатишнинг тасдиқланган дастури кўрсаткичлари бажарилиши устидан назоратни ташкил этсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва Республика «Маҳалла» жамғармаси билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадлари, принциплари ва механизмлари тўғрисида фаол тушунтириш ишлари ўтказилишини ташкил этсинлар;

ўн кун муддатда ҳар бир туманда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига банд бўлган фуқароларни қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш бўйича ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этишни таъминлаш юзасидан туманлар ҳокимлари бошчилигида ишчи комиссиялар ташкил этсинлар. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол боқиш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш бўйича фуқароларнинг бандлиги самарадорлигини ошириш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш ишчи комиссияларнинг асосий вазифаси ҳисоблансин;

мол бозорларини хатловдан ўтказсинлар ҳамда уларни обод қилиш ва 2006 йил 1 сентябргача бўлган муддатда белгиланган ветеринария ва санитария-эпидемиология талабларига мувофиқлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар;

қайта ишлаш ва савдо корхоналари билан биргаликда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига етиштириладиган чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини омухта ем ва шрот билан таъминлаш юзасидан узоқ муддатли шартномалар, шу жумладан фьючерс шартномалари тузиш механизминини ишлаб чиқсинлар ва шартномалар тузилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ваколатли органлар билан биргаликда мол сўйиш, гўшт-сут маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни ташкил этиш бўйича белгиланган ветеринария-санитария қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

Бунда қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига боқилган чорва моллари санитария ва ветеринария талабларига жавоб берадиган ихтисослаштирилган қушхоналарда сўйилади;

гўшт деҳқон бозорларида ва савдо шохобчаларида фақат ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилади.

Қушхоналар асосан деҳқон бозорлари ёнида ва маҳаллий аҳоли учун қулай бўлган қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида 4-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Дастур кўрсаткичлари бажарилиши мониторингини ташкил этиш учун амалдаги давлат статистика ҳисоботи негизида статистика индикаторлари тизимини ишлаб чиқсин ва 2006 йил иккинчи чорагидан бошлаб жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 21 апрель,  
67-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисида НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон қарорига мувофиқ ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида уй хўжалиги аъзоларининг мулки бўлган ёки ижара шартларида олинган қорамолни боқишни ҳамда чорвачилик майда товар маҳсулотлари етиштиришни ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотишни амалга оширувчи меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқароларга татбиқ этилади.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган меҳнат фаолияти турини амалга оширувчи шахслар, улар томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида боқилган ёки ушбу хўжаликларда етиштирилган чорвачилик товар маҳсулоти пул ёки натурал шаклда даромад олиш мақсадида сотилган тақдирда иш билан банд ҳисобланадилар.

Кўрсатиб ўтилган шахсларга, агар улар иш берувчилар билан меҳнат муносабатларида турмаса ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган хусусий тадбиркорлар ҳисобланмаса ёхуд ўқув юртларида ўқимаса уларга белгиланган намунадаги меҳнат дафтарчаси очилади (юрителиди).

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

Ушбу шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдориди суғурта бадаллари тўланган тақдирда қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлинган даврлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилади.

3. Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган фуқароларга меҳнат дафтарчаси бериш меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) бўлими (кейинги ўринларда меҳнат органи деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларидан олинган маълумотлар асосида туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган бадалларни ҳисобга олиш давлат солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган, ушбу банд бўлинган даврларнинг пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига ҳисобланишини хоҳловчи шахслар яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловчилар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

+

## **II. Меҳнат дафтарчасини очиш ва юритиш ҳамда пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисобга олиш тартиби**

-

4. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган, меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган шахсларга меҳнат дафтарчаси мазкур шахснинг яшаш жойидаги меҳнат органи томонидан, ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича фуқароларнинг шахсий аризаси асосида очилади.

Меҳнат дафтарчаси очиш учун фуқаро паспортини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигида қорамол мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномани шахсан кўрсатади.

Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсга меҳнат дафтарчаси очиш ва бериш тўғрисидаги маълумотлар меҳнат органида юритиладиган, номерланган ва ип ўтказиб тикилган, меҳнат дафтарчалари бериш махсус дафтариди қайд этилади, унда меҳнат дафтарчаси берилган шахснинг фамилияси, туғилган санаси ва уй манзили, меҳнат дафтарчасининг давлат серияси ва тартиб рақами, шунингдек унинг берилган санаси кўрсатилади.

Фуқарога берилган меҳнат дафтарчаси бланкаси учун уни олувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

5. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган, меҳнат дафтарчасига эга бўлган шахслар учун фаолиятнинг кўрсатилган тури билан бандлик тўғрисидаги ёзувлар туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан амалга оширилади.

6. Меҳнат дафтарчасини юритиш (меҳнат дафтарчасига ёзувларни қайд этиш), титул варағидаги (1-бетидаги) ёзувлардан ташқари, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахс давлат солиқ хизмати органларида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўловчи сифатида белгиланган тартибда

рўйхатдан ўтказилгандан кейин туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан амалга оширилади.

Меҳнат дафтарчасининг 1-бетидаги ёзувлар меҳнат дафтарчасини берган меҳнат органи томонидан амалга оширилади ва меҳнат органининг думалоқ муҳри билан тасдиқланади.

7. Меҳнат дафтарчасининг 2-бетида ва кейинги бетларида:

а) «Сана» устунисида — шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бўйича меҳнат фаолияти бошланган сана кўрсатилади. Меҳнат фаолиятининг кўрсатилган тури бошланган сана: меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган шахслар учун — меҳнат дафтарчаси очилган кун;

меҳнат дафтарчасига эга бўлган шахслар учун — ушбу шахс шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд шахс сифатида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўловчи сифатида ҳисобга олинган кун ҳисобланади.

б) «Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар» устунисида қуйидаги ёзувлар қайд қилинади:

«Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд» деб ёзилади, шунингдек туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимида рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, ушбу бўлимнинг тўлиқ номи кўрсатилади.

«Шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан бандлик тўхтатилган» деб ёзилади, шунингдек ушбу шахс томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган ойлари сони кўрсатилади, сўз билан: «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига \_\_\_\_\_ ой (ойлар сони сўз билан) ҳисобга олинади» сўзлари қайд этилади.

в) «Ёзув қуйидагилар асосида қайд этилган» устунисида қуйидагилар кўрсатилади:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ–308-сон қарорининг 1-банди асосида» — қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш бўйича фаолиятнинг бошланиши тўғрисидаги ёзувларни қайд этишда;

«шахсий ариза асосида» — қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан бандликнинг тўхтатилгани тўғрисидаги ёзувларни қайд этишда.

8. Фаолиятнинг ушбу тури билан бандликнинг тўхтатилгани тўғрисидаги ёзув: бошқа ишга жойлашиш муносабати билан меҳнат дафтарчаси талаб қилинганда; шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан бандлик тугаганда амалга оширилади.

9. Меҳнат дафтарчасидаги қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган даврлар тўғрисидаги ёзувлар ижтимоий таъминот бўлими ходимининг имзоси ва мазкур бўлимнинг юмалоқ муҳри билан тасдиқланади.

10. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган даврларни пенсия тайинлаш учун ҳисобга олишда меҳнат дафтарчасидаги фаолиятнинг кўрсатилган турлари билан банд бўлган даврлар тўғрисидаги ёзувлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлашни ҳисобга олиш Шахсий карточкасида тасдиқланган бўлиши керак.

11. Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига фақат бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўланган даврлар (ойлар) ҳисобга олинади.

12. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларнинг меҳнат стажини ҳисоблашда, агар мазкур шахс ушбу календарь йилнинг камида 9 ойи мобайнида бадалларни тўлаган бўлса, пенсия тайинлаш учун стажга тўлиқ календарь йил ҳисобга олинади.

13. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлинган меҳнат стажи пенсия тайинлашда унинг ҳақиқий давом этган муддати бўйича ҳисобга олинади ва ушбу шахс давлат ижтимоий суғуртасига мансуб бўлган бошқа ҳар қандай иш бўйича у эга бўлган меҳнат стажи билан жамланади.

14. Фуқаронинг фаолиятнинг кўрсатилган тури билан банд бўлган даврлари тўғрисидаги ёзувларнинг унинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даврларига мувофиқлигини назорат қилиш ижтимоий таъминот бўлими мудирини томонидан амалга оширилади.

15. Қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларнинг меҳнат дафтарчаси мазкур шахсларнинг ўзида сақланади ва меҳнат органининг ёки ижтимоий таъминот бўлимининг талабига кўра кўрсатилиши керак.

### **III. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадалларни тўлаш ва ҳисобга олиш ҳамда пенсия тайинлаш тартиби**

16. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган фуқаро бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия таъминотининг хоҳланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгилайди.

17. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, қоидага кўра, ҳар ойда, жисмоний шахсларнинг даромад солиқларини тўлаш учун белгиланган муддатларда нақд пул билан ёки (Халқ банки ёки бошқа тижорат банкидаги ҳисоб рақамларидан) нақдинасиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан, бадаллар тўловчининг яшаш жойидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисоб рақамига тўланади.

18. Қуйидагиларга:

суғурта бадалларини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлиқ календарь йил учун олдиндан тўлашга йўл қўйилади. Бу ҳолда ушбу календарь йилида энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори ўзгарганда қўшимча тўлов амалга оширилмайди;

суғурта бадалларини бадаллар тўланмаган олдинги даврлар учун, лекин бадаллар тўланаётган ойдан олдинги 12 ойдан кўп бўлмаган давр учун тўлашга йўл қўйилади. Бу ҳолда ўтказиб юборилган ҳар қайси ой учун бадаллар миқдори бадал тўланаётган ойда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

19. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган бадаллар қайтариб берилмайди.

20. Бадаллар тўланмаган даврлар пенсия тайинлашда меҳнат стажига қўшилмайди.

21. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлашнинг шахсий ҳисоби ижтимоий таъминот органлари томонидан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжа-

ликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахслар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўланганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органлари маълумотлари асосида амалга оширилади.

22. Давлат солиқ хизмати органлари ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

ҳисобот чорагида ҳисобга қўйилган (ҳисобдан чиқарилган) қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахслар тўғрисида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот;

мазкур шахслар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган бадаллар миқдорлари тўғрисида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумотлар.

23. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари:

қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган шахсни ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисида давлат солиқ хизмати органлари маълумотлари асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўланганлигини ҳисобга олиш Шахсий карточкасини юритадилар (ёпадилар), ушбу карточка ижтимоий таъминот бўлимида доимий сақланади;

давлат солиқ хизмати органларининг тўланган бадаллар тўғрисидаги маълумотлари асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўланганлигини ҳисобга олиш Шахсий карточкасига бадаллар суммасини ва улар тўланган даврларини ёзиб қўядилар.

24. Суғурта бадаллари тўланганлигини ҳисобга олиш дафтарчаси қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларда сақланадиган, суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади, у қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаётган шахсга ижтимоий таъминот бўлими томонидан, белгиланган намунадаги шакл бўйича очилади.

25. Қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган шахснинг хоҳишига кўра туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими уларнинг тўлов ҳужжатлари билан тасдиқланадиган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган бадалларини ҳисобга олиш Карточкаси ва Дафтарчасидаги ёзувлар билан солиштиришга мажбур. Солиштириш натижалари ҳисобга олиш Карточкаси ва Дафтарчасига ёзилади ҳамда қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахс ҳамда ижтимоий таъминот бўлими масъул ходими имзолари, шунингдек бўлим муҳри билан тасдиқланади.

26. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлангани тўғрисидаги тўлов ҳужжатлари қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган шахсда унинг тўлаган бадаллари ҳисобга олиш Карточкаси ва Дафтарчасидаги ёзувлар билан солиштирилган вақтгача сақланади.

27. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаш тўхтаганда ёки яшаш жойи ўзгарганда ижтимоий таъминот бўлими ҳисобга олиш Карточкаси ва Дафтарчасига ҳисобдан чиқариш тўғрисида тегишли ёзувларни киритади.

28. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларга пенсия тайинлаш улар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўланган тақдирда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.



29. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахсларга пенсиялар пенсионернинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади ва тўланади. Пенсионернинг танлашига кўра пенсияни тўлаш ё почта алоқа бўлимлари орқали ёхуд Халқ банки бўлимларидаги омонатларга қўшиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

30. Қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган шахсларга ижтимоий суғурта бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан нафақалар тўланмайди.

#### **IV. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш**

31. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини, шу жумладан пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича мазкур шахс, меҳнат органи ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўртасида уч томонлама шартнома тузилади, ушбу шартнома қуйидаги мажбуриятларни:

фуқаронинг — шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш, қорамолни боқиш ва зарур даражада парвариш қилиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида чорва моллари сонини ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадалларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини;

меҳнат органининг — шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган шахснинг пенсия таъминоти, фаолиятнинг ушбу тури билан банд бўлинган даврларнинг меҳнат стажига тўғри ҳисобланиши масалаларидаги манфаатларини ҳимоя қилиш, буюртмачиларга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан шартномалар тузишда, тижорат банклари кредитларини олишда ҳамда меҳнат органлари ваколатига кирадиган, фаолиятнинг ушбу тури билан боғлиқ бошқа хўжалик масалаларини ҳал этишда юридик ва консультатив ёрдам кўрсатиш, фуқароларни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг илғор технологияларига, шунингдек улар фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва методларига ўқитишга кўмаклашиш мажбуриятларини;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг деҳқон бозорларида сотишда ва буюртмачиларга етказиб беришда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг келиб чиқиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжатларни бериш, фуқароларнинг қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан бандлигини ҳисобга олиш мажбуриятларини ўз ичига олади.

32. Шартнома мазкур шахс томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бўйича фаолият билан банд бўлиш даври учун, бироқ камида бир йил учун тузилади.

33. Шартнома 3 нусхада тузилади, улардан ҳар бири шартнома томонларига

берилади ва меҳнат органида ип ўтказиб тикилган ва тартиб рақами қўйилган варақлари бўлган махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

**V. Аҳолининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан бандлиги мониторинги**

34. Меҳнат органлари фуқародан меҳнат дафтарчаси очиш учун буюртманоматан тушгандан кейин жойига бориб қорамолнинг ва бошқа шарт-шароитларнинг мавжудлигини аниқлайдилар.

35. Аҳолининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан бандлигининг кейинги мониторинги меҳнат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда, уй хўжаликлари мунтазам мониторингини олиб бориш ҳамда «Аҳолининг қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан бандлиги кўрсаткичлари» варақасига тегишли ёзувлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

36. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва меҳнат органининг мазкур ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига биркитилган ходими ҳар чоракда камида бир марта, тасдиқланган жадвалга мувофиқ:

ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган шахслар;

сонини кўрсатган ҳолда шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигида қорамол мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мақсадида ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида жойлашган уй хўжаликлари мониторингини амалга оширадилар.

37. Уй хўжаликлари мониторинги давомида олинган маълумотлар ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ «Аҳолининг қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан бандлиги кўрсаткичлари» варақасига ёзиб қўйилади.

38. Ҳар бир чорак тугагандан кейин ўн кун мобайнида «Аҳолининг қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан бандлиги кўрсаткичлари» варақасидаги ёзувлар асосида ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўйича меҳнат органи томонидан фаолиятнинг кўрсатилган тури билан банд бўлган шахслар сони тўғрисида ҳисобот тузилади.

Ҳисобот маълумотлари Туман бўйича шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлганлар тўғрисидаги ҳисоботда ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича жамланади ҳамда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳамда ҳудудий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига жўнатилади.

Низомга  
1-ИЛОВА

Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва  
ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар)  
\_\_\_\_\_ бўлимига

(туман (шаҳар) номи)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

манзилда яшайдиган

(паспорти: серияси \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да

(паспортни берган муассасанинг номи)

томонидан берилган)

\_\_\_\_\_ да туғилган

фуқаро \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

дан

+

-

### Меҳнат дафтарчаси очиш ва юритиш тўғрисида АРИЗА

Менга шахсий ёрдамчи/деҳқон хўжалигида (тегишлисининг остига чизилсин) қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд шахс сифатида меҳнат дафтарчаси очиш ва беришни сўрайман.

Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигида \_\_\_\_\_ бош қорамол, шу жумладан \_\_\_\_\_ бош сигир, \_\_\_\_\_ бош бузоқ мавжуд. Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигининг ер участкаси майдони \_\_\_\_\_ гектарни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисидаги Низом билан танишиб чиқдим.

Сана: 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Имзо: \_\_\_\_\_

Низомга  
2-ИЛОВА

**200\_\_ йил \_\_\_\_\_ чоракда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва уларда етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган, \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилган шахслар тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

Ф.И.О.	Идентификация тартиб рақами	Паспорти (серияси, тартиб рақами)	Паспорт бўйича рўйхатдан ўтган манзили	Сана		Мақоми
				рўйхатдан ўтказилган	ҳисобдан чиқарилган	

Давлат  
солиқ инспекцияси  
бошлиғи

\_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_)

М.Ў.

Сана: 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Низомга  
3-ИЛОВА

**200\_\_ йил \_\_\_\_\_ чоракда шахсий ёрдамчи ва деҳқон  
хўжаликларида қорамол боқиш ва уларда етиштирилган  
чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахслар  
томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган  
бадаллар тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Ф.И.О.	Идентификация тартиб рақами	Тўлов даври (ойи)	Бадал миқдори
			Чорак учун:	
			Чорак учун:	
			Чорак учун:	
			Чорак учун:	

Давлат  
солиқ инспекцияси бошлиғи

М.Ў.

\_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_)

Сана: 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Низомга  
4-ИЛОВА

**Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва  
чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан банд  
бўлган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида  
НАМУНАВИЙ УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА**

Сана: \_\_\_\_\_ вилояти  
\_\_\_\_\_ тумани

\_\_\_\_\_ да яшовчи, шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжалигида (кераклиснинг тагига чизилсин) қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан банд бўлган фуқаро \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда **Фуқаро** деб аталади);

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани (шаҳар) Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими номидан Директор \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда **Меҳнат бўлими** деб аталади);

\_\_\_\_\_ фуқаролар йиғини номидан раис \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда **Фуқаролар йиғини** деб аталади)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 мартдаги ПҚ–308-сон қарорига мувофиқ ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### I. Шартнома мавзуси

1.1. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида банд бўлган фуқароларни аҳолининг бандлигини ва оила бюджетини тўлдиришнинг муҳим омили сифатида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этишни таъминлаш, жойларда қорамол боқиш ва гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

1.2. Фуқаро \_\_\_\_\_ иш билан банд деб эътироф этилади ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва чорвачилик маҳсулотлари сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда унга меҳнат дафтарчаси берилади (юретилади).

1.3. Фуқаро қорамол боқиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш бўйича иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлайди.

1.4. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотишдан олинган барча даромадлар Фуқаронинг мулки ҳисобланади, агар учинчи шахслар билан шартнома муносабатларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

1.5. Шартноманинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ йил.

## II. Шартнома томонларининг мажбуриятлари

### 2.1. **Фуқаро** қуйидагиларга мажбур:

қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш;

шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини деҳқон бозорларида, тайёрлов ташкилотларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш;

қорамол боқиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва қорамолни парвариш қилишни таъминлаш;

шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамоллар сонини ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ўз вақтида тўлаш;

бошқа мажбуриятлар: \_\_\_\_\_.

### 2.2. **Меҳнат бўлими** қуйидагиларга мажбур:

шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш билан банд бўлган шахсларнинг пенсия таъминоти, фаолиятнинг ушбу тури билан банд бўлинган даврларни меҳнат стажига тўғри ҳисоблаш масалаларидаги манфаатларини ҳимоя қилиш;

буюртмачиларга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартномалар тузишда, тижорат банкларининг кредитларини олишда ҳамда меҳнат органлари ваколатига кирувчи фаолиятнинг ушбу тури билан боғлиқ бошқа хўжалик масалаларини ҳал қилишда юридик ва консултатив ёрдам кўрсатиш;

фуқароларни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг илғор технологияларига, улар фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва методларига ўқитишга кўмаклашиш;

бошқа мажбуриятлар: \_\_\_\_\_.

### 2.3. **Фуқаролар йиғини** қуйидагиларга мажбур:

микрокредитлар олишда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этишда тижорат банклари олдида кафил бўлиш;

шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини деҳқон бозорларида сотишда ва буюртмачиларга етказиб беришда чорвачилик маҳсулотларининг келиб чиқиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжатларни бериш;

фуқароларнинг қорамол боқиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш билан бандлигининг ҳисобини олиб бориш;

бошқа мажбуриятлар: \_\_\_\_\_.

## III. Томонларнинг жавобгарлиги

3. Мазкур Шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**IV. Шартноманинг амал қилишини тўхтатиш ва унинг муддатини узайтириш**

4.1. Қуйидаги ҳолларда:

Шартноманинг 1.5-бандда кўрсатилган амал қилиш муддати тугаганда; фуқаронинг қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан бандлиги тўхтатилганда Шартноманинг амал қилиши тўхтатилади.

4.2. Агар Шартноманинг амал қилиш муддати тугагач Томонлар Шартноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги ниятини билдиришмаса Шартнома номаълум муддатга узайтирилган ҳисобланади.

**V. Алоҳида шартлар**

5.1. Шартнома шартлари барча Томонлар учун мажбурий юридик кучга эга. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма битимлар билан расмийлаштирилади.

5.2. Шартнома Томонлари ўртасидаги низолар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилган ҳамда ҳар қайси Томонда бир нусхадан сақланади.

**Томонларнинг имзолари:**

— **Фуқаро** \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ )  
Паспорт: серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ томонидан берилган.

+

**Меҳнат бўлими** \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ )  
Юридик манзили \_\_\_\_\_  
М.Ў.

**Фуқаролар йиғини** \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ )  
Юридик манзили \_\_\_\_\_  
М.Ў.



Низомга  
5-ИЛОВА

намуна

**Аҳолининг қорамол боқиш, чорвачилик маҳсулотларини  
етиштириш ва сотиш билан бандлиги кўрсаткичлари**

Шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалиги манзили \_\_\_\_\_  
(хўжалик тури тагига чизилсин)

Хўжалик бошлигининг Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Т/р	Кўрсаткичлар	Уй хўжалиklarини ҳовлилар бўйича ўрганиш саналари, чорак/йил											
		1/06	2/06	3/06	4/06	1/07	2/07	3/07	4/07	1/08	2/08	3/08	
1.	<b>Уй хўжалиги аъзолари сони (киши)</b>												
	шу жумладан:												
1.1.	<b>Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар</b>												
	улардан:												
1.1.1.	Меҳнат шартномалари бўйича ишлаётганлар												
1.1.2.	Хусусий тадбиркорлар												
1.1.3.	Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийётганлар												
1.1.4.	<b>Қорамол боқиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш билан шуғулланаётган меҳнатга лаёқатли шахслар, 1.1.1.–1.1.3-бандларда кўрсатилганлардан ташқари</b>												
1.1.4.1.	<b>Улардан бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига бадал тўлаётганлар</b>												
1.2.	16 ёшгача бўлган болалар												
1.3.	Пенсия ёшидаги шахслар (эркаклар — 60 ёш ва ундан катта, аёллар — 55 ёш ва ундан катта)												
2.	<b>Қорамоллар сони (бош)</b>												
	шу жумладан:												
2.1.	Сигирлар												
2.2.	Бузоқлар												
2.3.	Новвослар												
3.	<b>Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдони, жами (га)</b>												
	шу жумладан:												

Т/р	Кўрсаткичлар	Уй хўжаликларини ҳовлилар бўйича ўрганиш саналари, чорак/йил										
		1/06	2/06	3/06	4/06	1/07	2/07	3/07	4/07	1/08	2/08	3/08
3.1.	шахсий ёрдамчи хўжалик ерлари											
3.2.	деҳқон хўжалиги ерлари											
<b>Фуқаролар йиғини раисининг имзоси</b>												
<b>Туман (шаҳар) меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходимининг имзоси</b>												

Низомга  
6-ИЛОВА

**200 \_\_ йил \_\_ чорагида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш билан бандлик тўғрисида ҳисобот**  
\_\_\_\_\_ тумани

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сони
<b>1.</b>	<b>Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари сони</b>	<b>та</b>	
	шу жумладан:		
1.1.	шахсий ёрдамчи хўжаликлар	та	
1.2.	деҳқон хўжаликлари	та	
<b>2.</b>	<b>Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида боқилаётган қорамоллар сони</b>	<b>бош</b>	
	шу жумладан:		
2.1.	шахсий ёрдамчи хўжаликларда	бош	
2.2.	деҳқон хўжаликларида	бош	
<b>3.</b>	<b>Қорамол боқиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш билан банд бўлган шахслар сони</b> («Аҳолининг қорамол боқиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш билан бандлиги кўрсаткичлари» варақасининг 1.1.4-сатридан).	<b>киши</b>	
	улардан:		
<b>3.1.</b>	<b>Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадал тўлаётган шахслар сони</b>	<b>киши</b>	

Туман (шаҳар) меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисида НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили Дастури тўғрисида» 2006 йил 23 январдаги ПҚ-266-сон, «Шахсий ёрдамчи, деҳкон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда қишлоқ жойларда яшайдиган кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг даромадини ошириш ҳамда фуқароларнинг қорамол боқиш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан бандлигини таъминлаш мақсадида ушбу оилаларга қорамолни бепул бериш тартибини белгилайди.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш хайрия ёрдами сифатида амалга оширилади.

#### **I. Қорамолни бепул беришга эҳтиёжманд кам таъминланган ва кўп болали оилаларни аниқлаш тартиби**

1. Қорамолни бепул беришга эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш очиқлик ва ошкоралик шартларида ва ижтимоий адолат принципига қатъий риоя қилинган ҳолда қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилади.

Оилаларга қорамолни бепул бериш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси тақдимномасига биноан, кейинчалик фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилиши томонидан тасдиқланган ҳолда Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан қабул қилинади.

2. Қорамол қўйидагиларга:

а) вояга етмаган беш нафар ва ундан ортиқ болалари, шу жумладан касб-хунар коллежлари (академик лицейлар) ўқувчилари бўлган кўп болали оилаларга;

б) умумий даромадлари оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ошмайдиган, доимий равишда (кейинги 2-3 йилда) паст бўлган кам таъминланган оилаларга;

в) боқувчилари бевалар ва болаларни тарбиялаётган ёлғиз оналар ҳисобланадиган вояга етмаган болалари бўлган кам таъминланган оилаларга;

г) етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун болалар уйлари ва интернат уйлар битирувчиларига;

д) ота-онасиз қолган икки нафар ва ундан ортиқ болаларни қарамоғига олган (қабул қилган) оилаларга бепул берилади.

Илгаридан қорамоли бўлган оилалар қорамолни бепул беришга эҳтиёжманд оилалар деб ҳисобланмайди.

3. Қорамолни бепул беришга эҳтиёжманд оилаларни аниқлашда 2-бандда кўрсатилган талаблар билан бирга қўйидагилар ҳисобга олинади:

уй хўжалигида қорамол боқиш учун шароитларнинг, шу жумладан ер участкасининг мавжудлиги;

қорамолни боқиш учун тегишли малакага ва парвариш қилиш имкониятига эга бўлган меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг мавжудлиги;

боқилаётган қорамолни ем билан таъминлаш имкониятининг мавжудлиги.

4. Қорамолни бепул беришга эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳар бир органида тузилган фуқаролар йиғини махсус комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Ушбу комиссиялар оиланинг уйига бориб унинг даромадларини ва мулкий аҳволини ўрганиб чиқадилар ва тегишли далолатнома тузадилар, далолатномада:

оиланинг таркиби, вояга етмаган болалар, жумладан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари сони;

оиланинг умумий даромади ва унинг манбалари;

оилада қимматбаҳо юқори ликвидли мол-мулкнинг, шу жумладан кўчмас мулк объектларининг мавжудлиги;

агар оилага қорамол берилса, уни боқиш учун шароитларнинг мавжудлиги кўрсатилади.

Оиланинг мулкий аҳволини ўрганиш натижаларига кўра махсус комиссия қорамолни бепул бериш ёки бермаслик тўғрисида дастлабки хулоса чиқаради. Оиланинг мулкий аҳволини ўрганиш далолатномаси махсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

5. Оиланинг мулкий аҳволини ўрганиш далолатномаси оилага қорамолни бепул бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Фуқаролар йиғини кенгашига берилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши қарори оилага қорамолни бепул бериш (бермаслик) сабаблари кўрсатилган ҳолда протокол билан расмийлаштирилади.

6. Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан қарор қабул қилингандан кейин ушбу қарор тасдиқлаш учун фуқаролар йиғинига ёки вакиллар йиғилишига киритилади.

Агар қарор учун фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилиши қатнашчиларининг оддий кўпчилиги овоз берса, у тасдиқланган ҳисобланади ҳамда протокол билан тасдиқланади.

7. Фуқаролар йиғинининг оилаларга қорамолни бепул бериш тўғрисидаги тасдиқланган қарорлари ва оилаларнинг мулкий аҳволини ўрганиш далолатномалари кўрсатилган оилаларни қорамолни бепул бериш рўйхатига киритиш учун ҳар ойнинг 15-кунигача бўлган муддатда ҳокимликка жўнатилади.

## **II. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамол ажратиш тартиби**

8. Қишлоқ жойларда яшаётган кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамол ажратиш туманлар ҳокимликлари томонидан тузилган махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Махсус комиссия таркибига қуйидагилар мажбурий тартибда киритилади:

туман ҳокимининг ўринбосари — комиссия раиси;

туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи;

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакиллари;

молия органи вакили;

прокуратура органи вакили;

тижорат банки филиали (бўлими) раҳбари;

«Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг туман бўлимлари раҳбарлари.

Махсус комиссиянинг шахсий таркиби туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

9. Қорамолни харид қилиш ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бевосита бериш учун махсус комиссия ҳузурида таркибига туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, ветеринария хизматлари мутахассислари ва тажрибали чорвадорлар жалб қилинадиган ишчи гуруҳ тузилади.

10. Махсус комиссия оилаларга қорамолни бепул бериш тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан тушган қарорларни ҳар ойда кўриб чиқади ҳамда қорамолни кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бериш навбати рўйхатларини тузади.

Рўйхатларни тузишда комиссия кейинчалик кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бериладиган қорамолни харид қилиш учун молиявий имкониятларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Қорамолни оилаларга бепул бериш рўйхатларини тузишда оиланинг ижтимоий ёрдамга ўта эҳтиёжмандлиги ҳисобга олинади. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар бўйича аниқланадиган барча белгилар мажмуига эга бўлган оилаларга қорамол биринчи навбатда берилди.

Қорамол бепул бериладиган оилалар рўйхати туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

Кам таъминланган ва кўп болали оилага фақат бир бош қорамол бепул берилиши мумкин.

11. Ҳокимликнинг махсус комиссияси оилаларнинг қорамолни бепул бериш учун рўйхатга киритилганлиги асосланганлигини таъминлаш мақсадида оилани бориб кўриш (ёки оилаларни бориб кўриш учун ўз вакилларини юбориш) ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли қарор қабул қилинган оилалар аъзоларининг даромадлари тўғрисида солиқ органларидан кўшимча маълумотлар сўраш ҳуқуқига эга.

Агар ўзини ўзи бошқариш органининг оилаларга қорамолни бепул бериш тўғрисидаги қарори ҳокимликнинг махсус комиссияси томонидан асосли эмас деб ҳисобланса ушбу оилалар қорамолни бепул олиш рўйхатларига киритилмайди, махсус комиссия эса рўйхатга киритишни рад этишнинг асосланган жавобини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига юборади.

12. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул бериш учун қорамолни рўйхатларда кўрсатилган микдорга мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ёки бошқа корхоналардан, шунингдек аҳолидан пул ўтказиш йўли билан ёки нақд ҳисобкитоб қилиб сотиб олиш ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бериладиган қорамол соғлом бузук, ғунажин ёки 5 ёшгача бўлган сигир бўлиши мумкин.

13. Қорамолни кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бериш ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади ҳамда ишчи гуруҳ аъзоси ва қорамолни олган оиланинг ҳуқуқий лаёқатли аъзоси томонидан имзоланган белгиланган шаклдаги бериш-олиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

### **III. Қорамолни бепул бериш учун пул маблағларини шакллантириш**

14. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари қорамолни харид қилиш ҳамда кейинчалик кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул бериш учун маблағларни шакллантириш манбалари ҳисобланади.

15. Молиявий маблағлар ҳокимлик томонидан депозитга қўйиш ва белгилан-

ган молиявий операцияларни амалга ошириш учун танланган тижорат банкларидан бирининг туман бўлимида ҳокимлик очган махсус ҳисоб рақамида жамланади.

Туман ҳокимининг ўринбосари — махсус комиссия раиси ҳисоб рақамидаги маблағларни тасарруф этувчи ҳисобланади.

16. Махсус комиссия ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ўртасида кенг тушунтириш ишларини амалга оширади, уларнинг номига илтимоснома-хатлар юборади.

-

+

+

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**2006 йилда қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга  
ҳомийлар, шунингдек нодавлат хайрия ташкилотлари маблағлари ҳисобига бир бош  
сигир бериш йўли билан ҳомийлик ёрдами кўрсатиш дастури**

Т/р	Минтақалар	Туман-лар сони	Кам таъминланган ва кўп болали оилалар сони	Бир туманда қамраб олиш даражаси (оилалар)	Сигир ажратишни молиялаштириш манбалари					
					ҳомийлар ҳисобига	шу жумладан:			нодавлат жамғармалар маблағлари ҳисобига	маҳалла жамғармалари маблағлари ҳисобига
						фермер хўжалик-лари	хусусий тадбир-корлар	бошқа ташкилот ва корхоналар		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	14	1710	122	1622	1045	379	198	70	18
	вилоятлар:									
2	Андижон	14	2576	184	2442	1663	534	245	82	52
3	Бухоро	11	1319	120	1204	893	261	50	79	36
4	Жиззах	12	1590	133	1465	994	283	188	104	21
5	Қашқадарё	13	2000	154	1869	1380	376	113	89	42
6	Навобий	8	824	103	749	525	127	97	52	23
7	Наманган	11	1807	164	1659	1175	264	220	102	46
8	Самарқанд	14	2405	172	2282	1563	565	154	85	38
9	Сурхондарё	14	1569	112	1498	1020	384	94	53	18
10	Сирдарё	8	1122	140	1022	729	221	72	68	32
11	Тошкент	15	2022	135	1865	1334	320	211	122	35
12	Фаргона	14	1576	113	1475	1110	218	147	62	39
13	Хоразм	9	1125	125	1048	731	212	105	52	25
	<b>Ҳаммаси:</b>	<b>157</b>	<b>21645</b>	<b>138</b>	<b>20200</b>	<b>14162</b>	<b>4144</b>	<b>1894</b>	<b>1020</b>	<b>425</b>

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2006 й.

17 (205)-сон

— 31 —

141-модда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарорига  
4-ИЛОВА

141-модда

**Кушхоналар ва қорамол сўйиш майдончалари ташкил этиш  
бўйича топшириқ**

(та)

Минтақалар	Кушхоналар сони							Қорамол сўйиш майдончалари сони						
	2005 йилда мавжуд бўлгани	Жами қўшимча ташкил этилади	шу жумладан:					2005 йилда мавжуд бўлгани	Жами қўшимча ташкил этилади	шу жумладан:				
			2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил			2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Қорақалпоғистон Республикаси	13	5	1	1	1	1	1	10	55	9	11	12	12	11
вилоятлар:														
Андижон	29	5	1	1	1	1	1	42	65	11	13	14	14	13
Бухоро	32	2	1	1				69	35	7	8	7	7	6
Жиззах	33	4	1	2	1			44	50	10	10	10	10	10
Қашқадарё	11	3	1	1	1			51	100	18	21	21	20	20
Навоий	7	5	1	1	1	1	1	85	45	9	10	9	9	8
Наманган	22	2	1	1				60	45	8	10	11	8	8
Самарқанд	10	11	3	3	2	2	1	226	75	13	17	16	15	14
Сурхондарё	17	7	2	2	1	1	1	214	45	9	10	10	9	7
Сирдарё	10	3	1	1	1			31	35	6	8	8	7	6
Тошкент	46	9	3	2	2	1	1	119	95	18	21	20	18	18
Фарғона	33	2	1	1				59	100	18	20	21	21	20
Хоразм	14	2	1	1				50	30	5	7	7	6	5
<b>Ҳаммаси:</b>	<b>277</b>	<b>60</b>	<b>18</b>	<b>18</b>	<b>11</b>	<b>7</b>	<b>6</b>	<b>1060</b>	<b>775</b>	<b>141</b>	<b>166</b>	<b>166</b>	<b>156</b>	<b>146</b>

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2006 й.

— 32 —

17 (2005)-сон

+



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**142 Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
22 апрелда 1564-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 1 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, иш юритишнинг ягона услубини жорий этиш, ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш, иш унумдорлигини ошириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳайъати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловлага мувофиқ тасдиқлансин ва 2006 йил 1 июндан амалга киритилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари:

барча ФХДЁ органларини ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ҳаракатларини амалга ошириш ваколати берилган шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) иш юритишни тўғри ташкил этилиши ва мазкур Йўриқнома талабларига қатъий риоя этишни;

жорий йилнинг май ойида мазкур Йўриқномани амалиётга татбиқ этиш юзасидан ФХДЁ органлари ходимлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ҳаракатларини амалга ошириш ваколати берилган шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) билан семинар машғулотларини ташкил этишни таъминласинлар.

3. Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (П. Саматов):

2006 йил май ойида ушбу Йўриқнома қоидаларини қўллаш бўйича семинар ўтказишни ташкиллаштиради;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритишнинг мунтазам равишда назорат қилиб боришни таъминласин.

4. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Н. Бурхонов) ушбу ҳайъат қарорини давлат рўйхатидан ўтказсин ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

5. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У. Аюбов) ушбу ҳайъат қарорини «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хайъатининг 2000 йил 5 июндаги 25-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

**Хайъат раиси, Адлия вазири Б. МУСТАФОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 21 апрель,  
10-сон

Адлия вазирлиги Хайъатининг  
2006 йил 21 апрелдаги 10-сонли қарори  
билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини  
ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақида  
ЙЎРИҚНОМА**

— Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»га (бундан буён матнда «Қоидалар» деб юритилади), Адлия вазирлиги хайъатининг 2005 йил 27 октябрдаги 34-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида (бундан буён матнда «ФХДЁ органлари» деб юритилади) иш юритиш тартибини белгилайди. +

ФХДЁ органлари тизимини туман ва шаҳар ФХДЁ бўлимлари, Никоҳ уйлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ФХДЁ архивлари (бундан буён матнда «адлия бошқармаси ФХДЁ архиви» деб юритилади) ташкил қилади.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. ФХДЁ органлари қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

а) туғилганлик, ўлим, никоҳ, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларини қайд этиш;

б) далолатнома ёзувларини тиклаш;

в) етарли асослар мавжуд бўлиб, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш фактлари бўйича фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш.

2. Оила кодексининг 203-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномалари консул томонидан Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари ва мазкур Йўриқномага мувофиқ қайд этилади.

Далолатнома ёзувлари аниқ ҳужжатлар асосида қайд этилади.

3. ФХДЁ органлари томонидан мазкур Йўриқноманинг 1-бандида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш натижасида туғилганлик, ўлим, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ҳақида гербли гувоҳномалар (дастлабки ва такрорий равишда) берилади.

### **I. Гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш**

4. Гербли гувоҳнома бланклари қатъий ҳисобда турувчи бланклар ҳисобланади ва маълум серия, тартиб рақамига эга бўлиб, Адлия вазирлиги буюртмасига кўра фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси босма фабрикасида (бундан буён матнда «Давлат белгиси» босма фабрикаси деб юритилади) муҳофазаланган қоғозларда тайёрланади.

Гербли гувоҳномалар бланklarини «Давлат белгиси» босма фабрикасида қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш (жўнатиш) Адлия вазирлигининг буйруғи билан тайинланган масъул ходимлар зиммасига юклатилади.

Гербли гувоҳномалар бланklarини Адлия вазирлигидан қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда «адлия бошқармаси» деб юритилади) бошлиқларининг буйруғи билан тайинланган масъул ходимлар томонидан амалга оширилади.

5. Адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан уч киши (бошқарма бошлиғининг ФХДЁ органларига раҳбарлик қилувчи ўринбосари, бош ҳисобчи ва ФХДЁ ишлари бўйича масъул ходим)дан иборат таркибда тузилган махсус комиссия гербли гувоҳнома бланklarини қабул қилаётганида ўрамлар сонини, ўрам ёрлиғининг бутунлигини, агар бузилган бўлса ўрам ёрлиғида кўрсатилган гувоҳнома рақамлари ва сони тўғрилигини, гувоҳномалар сони юкхат билан тўғри келиш келмаслигини текшириши ва бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузишлари зарур. Шунингдек, ушбу комиссия томонидан ФХДЁ органларида ва шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинларида (бундан буён матнда «ҚФЙ» деб юритилади) тўлдириш чоғида бузилган гувоҳномалар далолатнома асосида қабул қилиб олинади ва 2 нусхада тузилган далолатнома бўйича ҳар йили бир марта ёндириб юбориш йўли билан йўқ қилинади. Мазкур далолатноманинг бир нусхаси йиллик ҳисобот билан Адлия вазирлигига тақдим қилинади.

6. «Давлат белгиси» босма фабрикасида қабул қилинган гербли гувоҳномалар бланklarини Адлия вазирлигида шу кунгек зудлик билан сақланиши учун масъул шахс томонидан, юкхат асосида гербли гувоҳномалар ҳисобини юритиш дафтарида уларнинг ҳисоби, гувоҳноманинг тури, серияси, рақами, сони ва қабул қилинган вақти кўрсатилган ҳолда кирим қилинади.

7. Адлия вазирлигидан қабул қилинган гербли гувоҳнома бланklarини адлия бошқармасида, шу кунгек зудлик билан сақланиши учун масъул шахс томонидан юкхат асосида гербли гувоҳномалар ҳисобини юритиш дафтарида уларнинг ҳисоби, гувоҳноманинг тури, серияси, рақами, сони ва қабул қилинган вақти кўрсатилган ҳолда кирим қилинади (1-илова).

Адлия бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ФХДЁ органларида, ФХДЁ бўлимларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ҚФЙ ларида худди шу тарзда кирим қилинади (1-илова).

Худди шу тартибда гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтари Адлия вазирлигининг Ишлар бошқармаси томонидан юритилади.

Ташқи Ишлар вазирлиги консуллик муассасалари гербли гувоҳномалар бланкалари билан, эҳтиёжга қараб, Тошкент шаҳри учун тайёрлатилган сериядаги гербли гувоҳномалар ҳисобидан таъминланади.

8. Адлия бошқармасида гербли гувоҳномаларни ФХДЁ бўлимлари ва Никоҳ уйларига, ФХДЁ бўлимларида эса ФХДЁ ҳаракатларини юритувчи ҚФЙ га тарқатиш дафтарлари юритилади. Улар рақамланиб, тикилиб, адлия бошқармасининг раҳбарияти томонидан имзоланиб, муҳрланади (2-илова).

9. Адлия бошқармаси ФХДЁ бўлимлари, Никоҳ уйларини гербли гувоҳнома бланклари билан уч ойлик эҳтиёжи миқдорида (чорак ҳисоботини қабул қилгандан кейин) таъминлайди ва сарфланиши устидан ҳар чорак ҳисоботларини қабул қилишда сарфлаш дафтари билан таққослаб текшириб, назорат қилади.

Адлия бошқармасидан гербли гувоҳномалар ФХДЁ органлари раҳбарларига, улар вақтинча бўлмаганида (хизмат сафари, таътил, касаллик ва ҳ. к.) тегишли буйруқ билан уларнинг вазифасини бажариш вақтинча юклатилган ходимга гербли гувоҳномаларни тарқатиш дафтарида уларнинг лавозими, фамилияси ёзилиб, имзоси қўйдирилган ҳолда берилади.

10. ФХДЁ бўлимлари ҚФЙларини ҳар чоракда 1-шакл ҳисоботини қабул қилгандан кейин, бир чораклик эҳтиёжи миқдорида гербли гувоҳнома бланклари билан таъминлайди ва сарфланиши устидан ҳар ойлик 97-шакл ҳисоботини қабул қилишда сарфлаш дафтари билан солиштириб назорат қилади.

ФХДЁ бўлимларидан гербли гувоҳномалар ҚФЙ раисларига, улар вақтинча бўлмаганида (хизмат сафари, таътил, касаллик ва ҳ. к.) тегишли буйруқ билан уларнинг вазифасини бажариш вақтинча юклатилган ходимга гербли гувоҳномаларни тарқатиш дафтарида уларнинг лавозими, фамилияси ёзилиб, имзоси қўйдирилган ҳолда берилади.

11. Гербли гувоҳнома бланklarининг йўқолганлиги ёки ноқонуний сарфланганлиги ҳолатлари аниқланган ҳолларда 24 соат ичида Адлия вазирлигига махсус хабар берилиши ва беш кун ичида хизмат текшируви ўтказилиши, зарур ҳолларда, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилиши лозим.

12. Адлия бошқармасида гербли гувоҳномаларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфи бўйича масъулият бошқарма бошлиғининг ФХДЁ органларига раҳбарлик қилувчи ўринбосарига, ФХДЁ органларида ФХДЁ органи раҳбарларига ва ҚФЙ раисларига юклатилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган масъул шахслар узрли сабабларга кўра ишда вақтинча бўлмаганида (таътил, хизмат сафари, касаллик сабабли ва ҳ. к.), жавобгарлик тегишли буйруқ билан тайинланган шахсларга юклатилади.

13. ФХДЁ органлари адлия бошқармасидан гербли гувоҳномаларни қабул қилиб олаётганида, махсус комиссия аъзолари иштирокида ҳар бир гувоҳнома ўрами алоҳида очилган ҳолда текшириб кўрилади. Бланкаларнинг етишмаслиги ёки нуқсони борлари (ҳимоя катаklarининг, босма матннинг йўқлиги ёки бузилганлиги, тартиб рақамларининг такрорийлиги ёхуд бошқа сериялар ёки тартиб рақамлари бўлган, қийшайган шрифтли, нотўғри кесилган ва нотўғри шаклли, серия ва тартиб рақамлари йўқ бўлган ёки ўрам ёрлиғига бошқача тарзда номувофиқ бўлган бланкалар) аниқланган тақдирда махсус комиссия томонидан уч нусхада далолатнома тузилади ва шу кунгача Адлия вазирлигига факс орқали махсус хабар қилинади. Далолатноманинг биринчи ва иккинчи нусхалари нуқсонли бланкалар чиққан ўрам ёрлиғи ва нуқсони бор бланкалар ҳамда илова хат билан уч кун ичида Адлия вазирлигига жўнатилади. Бу ҳолда далолатноманинг иккинчи нусхаси Адлия вазирлигида қолдирилиб, биринчи нусхаси ўрам ёрлиғи ва нуқсони бор бланкалар билан тегишли хат орқали «Давлат белгиси» босма фабрикасига жўнатилади. Далолатноманинг

учинчи нусхаси ўрам ёрлиғи ксеронусхаси билан бевосита адлия бошқармасида қолдирилади.

14. ФХДЁ органларининг адлия бошқармасидан қабул қилиб олган гувоҳнома-ларни кирим қилиш дафтари рақамланиб тикилади ва адлия бошқармаси бошлиғи-нинг ФХДЁ органларига раҳбарлик қилувчи ўринбосари томонидан имзоланиб, муҳрланади. ҚФЙларининг ФХДЁ бўлимларидан олинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш дафтари рақамланган ҳолда тикилиб, ФХДЁ бўлимининг мудирини томонидан имзоланиб, муҳрланади.

Адлия бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ФХДЁ бўлимлари томонидан ва ФХДЁ бўлимларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ҚФЙлари томонидан шу куниёқ уларнинг ҳисоби ва сақланиши учун масъул шахс томонидан кирим қилиш дафтари гербли гувоҳноманинг тури, серияси, рақами, сони ва қабул қилинган вақти кўрсатилган ҳолда кирим қилинади (3-илова).

15. ФХДЁ органида гербли гувоҳномаларнинг ҳисобга олиниши, сарфланиши ва сақланиши учун масъул мансабдор шахс алмашган ҳолларда гербли гувоҳнома-ларни ва уларнинг ҳисобот ҳужжатларини қабул қилиш-топшириш ишлари адлия бошқармаси бошлиғининг ФХДЁ органларига раҳбарлик қилувчи ўринбосари иш-тироқида амалга оширилади ва бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузилади. Янги масъул ходимга гербли гувоҳнома бланкаларини ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш масъулияти юклатилади.

ҚФЙ раиси алмашган ҳолларда эса гербли гувоҳнома бланкаларини ва улар-нинг ҳисобот ҳужжатларини қабул қилиш-топшириш шу фуқаролар йиғини жой-лашган ҳудуддаги ФХДЁ бўлими мудирини ёки унинг вазифасини бажарувчи ходим иштироқида амалга оширилади ва бу ҳақда 3 нусхада далолатнома тузилади. Алоҳи-да ҳолларда тегишли ФХДЁ бўлимининг хабарига кўра бу масалани ҳал этиш учун адлия бошқармаси томонидан масъул ходимлар жалб этилиши мумкин.

16. Қатъий ҳисобдаги гербли гувоҳнома бланкалари адлия бошқармасида мах-сус жиҳозланган, бегона шахслар кириши тақиқланган алоҳида хоналарда, ФХДЁ органлари ва ҚФЙларида пўлат сейфларда ёхуд махсус темир шкафларда сақлани-ши зарур.

Гербли гувоҳнома бланкалари билан ишлаш ҳуқуқига, уларнинг ҳисобга оли-ниши, сақланиши ва сарфи учун масъул бўлган шахсларгина эгадирлар. Гербли гувоҳнома бланкалари турган хонага кириш ва бланкалар билан танишишга, улар учун масъул шахслардан ташқари, уларнинг иштироқида, адлия бошқармаси ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари ҳақлидирлар.

17. Ишдан ташқари вақтларда гербли гувоҳномалар сақланиб турган темир шкафлар, сейфлар ва хоналар белгиланган тартибда муҳрланган бўлиши лозим.

18. ФХДЁ органлари фаолияти Адлия вазирлиғи ва адлия бошқармаси томони-дан ўрганилганда гербли гувоҳнома бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланиши ҳолатлари албатта текширилади ва натижаси ҳақида алоҳида маъ-лумотнома тузилади.

19. ФХДЁ органларида гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтарлари гербли гувоҳномаларнинг ҳар бир тури учун алоҳида юритилади (4-илова).

20. ФХДЁ органларининг гербли гувоҳномалар сарфини ҳисобга олиш дафтар-лари тикилиб, рақамланиб, адлия бошқармаси бошлиғининг ФХДЁ органларига раҳбарлик қилувчи ўринбосари томонидан, ҚФЙларининг сарфлаш дафтарлари эса тегишли ФХДЁ бўлими мудирини томонидан имзоланиб, санаси кўрсатилган ҳолда муҳрланиши шарт.

21. Ўтган йилнинг йиллик ҳисоботидан ортиб қолган гербли гувоҳномалар сарфи

сарфлаш дафтарыда жорий йилнинг 1 январидан 1-тартиб рақамидан бошлаб олиб борилади.

22. Гербли гувоҳномаларнинг ҳар бир алоҳида очилган ўрами янгидан 1-тартиб рақамидан бошлаб сарфланади (4-а илова).

23. Такрорий бериладиган гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтарлари алоҳида юритилади. Такрорий сарфлаш учун гувоҳномалар, адлия бошқармаси томонидан ФХДЁ органининг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда берилади.

Адлия бошқармаси ФХДЁ архивларида ҳам худди шу тартибда такрорий гувоҳномаларни сарфлаш дафтарлари юритилади (5-илова).

Бу гувоҳномаларнинг йил охирига қолдиғи мазкур Йўриқноманинг 21-бандида кўрсатилган тартибда давом эттирилади.

24. Сарфлаш дафтарига ёзувлар гербли гувоҳномаларни тўлдириш олдидан киритилади. Сарфлаш дафтарыда аниқланган хато битта чизиқ билан ўчирилади ва кейинги қаторга тўғри ёзув киритилади.

25. Сарфлаш дафтарларига киритилган ҳар бир тузатиш шу варақнинг пастки қисмида изоҳланиб, муҳр билан тасдиқланиши зарур.

Гербли гувоҳномаларни сарфлашда гувоҳнома рақамларининг кетма-кетлик қондасини бузиш, китобдаги ёзувларни ўчириш, бўйаш, устидан қоғоз ёпиштириш қатъиян ман этилади.

Сарфлаш дафтарыда ҳар ойда, чоракда сарфланган гувоҳномаларни орада очик қаторлар қолдириб ажратишга йўл қўйилмайди.

26. ФХДЁ бўлимлари ва ҚФЙ ларида тўлдириш вақтида бузилган гербли гувоҳномалар тегишли далолатнома тузилиб, ҳар чоракда гербли гувоҳномалар ҳисоботи билан бирга адлия бошқармасига топширилади.

Адлия бошқармасининг гербли гувоҳномалар учун масъул ходими иштирокида уларнинг серия, тартиб рақамлари қирқиб олиниб далолатноманинг 1-нужасига илова қилингандан кейин, махсус комиссия иштирокида ёқиш йўли билан йўқ қилинади

27. Ҳар ойда, чоракда қайд этилган далолатнома ёзувлари ҳақида ҳамда ҳар чоракда сарфланган ва қолдиқ гербли гувоҳномалар тўғрисида ҳисоботлар тузилади ва тегишлилиги бўйича ФХДЁ органлари, адлия бошқармаси ва Адлия вазирлигига топширилади. Ҳисоботларнинг тўғрилиги учун ҚФЙ ларида уларнинг раислари, ФХДЁ бўлимларида ва Никоҳ уйларида уларнинг раҳбарлари, адлия бошқармасида бошқарма бошлиғининг ФХДЁ органларига раҳбарлик қилувчи ўринбосари масъул бўлади.

## II. Алфавит дафтарларини юритиш тартиби

28. ФХДЁ органларида далолатнома ёзувларининг ҳар бир тури бўйича махсус алфавит дафтарлари юритилади. Қайд этилган далолатнома ёзувлари ва уларга киритилган ўзгартиришлар шу куннинг ўзида тегишли алфавит дафтарларига ёзиб борилади (6-илова).

29. Алфавит дафтарлари туғилганлик, никоҳ, никоҳдан ажралганлик, ўлим ҳақида қайд этилган далолатнома ёзувлари асосида алоҳида ва бир йўла икки нусхада ёзилади.

30. Далолатнома ёзувларида фамилия ва исм ўзгартирилган барча ҳолларда янги фамилия ва исм ушбу далолатнома ёзувлари қайд этилган йилдаги алфавит дафтарига киритилади. Аввалги фамилия ва исми алфавитдан ўчирилмайди.

31. Алфавит дафтарининг муковасида мазкур дафтар қайси далолатнома ёзуви бўйича ва қайси йил(лар) учун юритилаётганлиги ёзиб қўйилади.

32. ҚФЙ лари ҳар ойлик ҳисоботдан кейин қайд этилган далолатнома ёзувлари бўйича фамилия ва исмларни туман(шаҳар) ФХДЁ бўлими алфавит дафтарига ФХДЁ бўлими масъул ходими назорати остида киритиб боради.

33. Никоҳ ва никоҳдан ажралганлик ҳақида алфавит дафтарларига эр ҳамда хотиннинг фамилия ва исмлари алоҳида-алоҳида киритилади.

34. Алфавит дафтарларининг бир нусхаси жорий йил тугаши билан (янги йилнинг январь ойининг 15-кунидан кечиктирмай) кейинчалик компьютер базасига киритиш учун Адлия бошқармалари ФХДЁ архивларига топширилади.

35. Бошқа ФХДЁ органларидан келган гувоҳномалар учун алфавит дафтари алоҳида юритилади (7-илова).

### III. Хат, хабарнома ва аризаларни рўйхатга олиш

36. ФХДЁ органига келган барча хат, хабарнома ва аризалар келган кунда рўйхатга олиш китобига кирим қилиниб, шу кунгача ижрога қаратилиб, қонунда белгиланган муддатларда ижро этилиши лозим. Барча кирим қилинган ҳужжатларнинг биринчи варағининг пастки ўнг бурчагига кирим қилинган сана ва кирим рақами ёзиб қўйилади (8-илова).

Ижро этилган хатдаги чиқиш рақами кирим рақами билан бир хил бўлади.

37. ФХДЁ органининг ўз ташаббусига кўра жўнатилаётган хат, хабарнома ва аризалар алоҳида чиқиш китобига рўйхатдан ўтказилиб рақамланади (9-илова).

38. ФХДЁ органларида иш юритишни ихчамлаштириш ва тартибли олиб бориш мақсадида ҳар бир ФХДЁ органида Иш ҳужжатлари номенклатураси юритилди (10-илова).

## II боб. Алоҳида қоидалар

### 1-бўлим. Туғилганликни қайд этиш

39. Туғилганликни қайд этишда боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома, ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва никоҳ гувоҳномаси талаб этилади.

Зарур ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда ФХДЁ бўлими далолатнома ёзувини қайд этиш рад қилинганлиги ҳақида асослантирилган маълумотнома беради.

40. Туғилганликни қайд этиш учун асос бўлиб ҳисобланувчи туғилганликни тасдиқловчи тиббий маълумотнома, далолатнома (бола туғруқхонадан ташқари жойларда туғилган бўлса) туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувининг биринчи нусхасининг орқа томонига тикилиб, у билан бирга 75 йил давомида сақланади.

41. Туғилганликни қайд этириш учун Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига белгиланган бир ойлик муддатни ўтказиб, бола 16 ёшга тўлгунча мурожаат этилган ҳолларда туғилганликни қайд этиш рад этилмайди, балки умумий асосларда амалга оширилади. Бундай ҳолларда заруриятга қараб, кўшимча равишда маълумотномалар (боланинг соғлиги тўғрисида участка педиатридан, болалар боғчаси ёки мактабдан) талаб қилиниши мумкин. Туғилганлик бола бир ёшга тўлганидан кейин қайд этилган ҳоллар 14 (22) шакл ҳисоботида муддатини ўтказиб қайд этирилган туғилиш устунида ажратиб кўрсатилади.

42. Туғилганликни қайд этиш билан бир вақтда никоҳда бўлмаган ота-онанинг туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онанинг ФХДЁ органига биргаликда берган аризаси асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолларда, агар боланинг онаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда турган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага ушбу шахснинг нотариал тасдиқланган розилиги илова қилиниши лозим.

43. Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви тўлдирилгач, албатта аризачи томонидан ўқиб чиқилиб имзоланиши лозим ва унга асосан шу вақтнинг ўзида туғилганлик ҳақида гербли гувоҳнома ва суғурта кассасига топшириш учун маълумотнома тўлдирилиб аризачига берилади (11-илова).

Айрим сабабларга кўра гербли гувоҳнома бўлмайд қолган ҳолларда, туғилганликни қайд этиш рад этилмасдан, белгиланган тартибда далолатнома ёзуви қайд этилиб, аризачига маълумотнома берилади. Бу ҳолда далолатнома ёзувининг гербли гувоҳнома рақами ёзиладиган жойи чизилмасдан очиқ қолдирилади ва белгилар учун устунда гербли гувоҳнома берилмаганлиги ҳақида ёзиб қўйилади. Кейинчалик гербли гувоҳнома тўлдирилганида гувоҳнома рақамининг ёнига берилган санаси ёзиб қўйилади.

### **Ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилганлигини расмийлаштириш тартиби**

44. Туғилганликни ёлғиз (қонуний никоҳда бўлмаган) она томонидан қайд этиришда ФХДЁ органига онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва ёзма аризаси тақдим этилади (12-илова). Ариза белгиланган шакл бўйича тўлдирилмай, эркин ҳолда ёзилганида, унда белгиланган шаклда кўрсатилиши лозим бўлган барча маълумотлар акс этирилган бўлиши зарур. Ёлғиз онанинг аризаси белгиланган тартибда тасдиқланмаган ҳолларда ишончнома орқали далолатнома ёзуви қайд этилиши мумкин эмас.

45. Ёлғиз она аризасида боланинг, онанинг ва отанинг фамилияси бир хилда она фамилияси бўйича кўрсатилиши лозим.

46. Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувини қайд этишда ёлғиз она шахсан иштирок этолмаган тақдирда аризадаги она имзоси туғруқхона ёки она жойлаштирилган шифохона шифокорининг имзоси ва туғруқхонанинг муҳри билан ёхуд нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт. Бошқача тартибда ёки ишончнома орқали далолатнома ёзуви қайд этилишига йўл қўйилмайди.

47. Ёлғиз оналар аризалари рўйхатга олиш дафтарига қайд этилиб, аризанинг ўнг томонининг пастки қисмига кириш рақами ва рўйхатга олинган санаси ёзилиб, тартиб билан тикиб борилади (13-илова).

Аризанинг юқори ўнг бурчагига далолатнома ёзуви рақами, санаси ва берилган гербли гувоҳнома рақами ёзиб қўйилади.

48. Ёлғиз онага фарзандининг туғилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилганлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома берилади (14-илова).

### **Туғилганликни қайд этишнинг алоҳида ҳоллари**

49. Туғилганликни қайд этириш муддатини ўтказиб (16 ёшгача) мурожаат қилинганда, ФХДЁ органига туғилганликни қайд этириш муддатини ўтказиб юборганлик сабаби кўрсатилган ариза боланинг туғилганлигини ва соғлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга тақдим этилади (15-илова).

50. Муддатини ўтказиб туғилганликни қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқлан-



ган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларининг II-III бўлим-ларига кўра амалга оширилади.

51. Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд эттириш учун ФХДЁ органига тиббиёт муассасаси, ички ишлар бўлими, бола жойлаштирилган муассаса маъмурияти ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола топилган жойдаги ФХДЁ органига боланинг топилганлиги тўғрисида далолатнома ва унинг ёши, жинсини тасдиқловчи тиббий маълумотномани илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат этади (16-илова).

#### Оталикни белгилаш

52. Ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган ота-онанинг оталикни белгилаш ҳақидаги аризаси уни қабул қилган ФХДЁ бўлимининг масъул ходими томонидан имзола-ниб, тартиб рақами ва санаси ёзилиб, рўйхатга олиш дафтарига кирим қилинади ва кетма-кет тикиб борилади (17-илова).

53. Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ФХДЁ органига бола туғилгунгача, боланинг туғилганлигини қайд этиш билан бир вақтда ёки боланинг туғилганлиги қайд этилгандан сўнг берилиши мумкин. Аризани қабул қилишда ФХДЁ бўлими-нинг масъул ходими ундаги маълумотларни ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳуж-жати билан солиштириб текшириб қабул қилади (18-илова).

Оталикни белгилашда ота-онадан бири иштирок этолмаган тақдирда, унинг аризадаги имзоси белгиланган тартибда (тиббиёт муассасаси, ФХДЁ органи, ҳар-бий қисм, жазони ўташ муассасаси раҳбари имзоси ва гербли муҳр билан ёки но-тариус томонидан) тасдиқланиши зарур.

Ишончномага асосан оталикни белгилашга йўл қўйилмайди.

Оталик суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланганида, унинг қонуний кучга кирганлиги тўғрисида белги бўлиши ёки маълумотнома илова қилиниши лозим.

54. Оталик белгилангандан кейин аризачига оталик белгиланганлигини тас-диқловчи маълумотнома берилади (19-илова).

55. Оталикни белгилаш туғилганликни қайд этиш билан бир вақтда расмий-лаштирилмаган ҳолларда, далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига тегишли ўзгар-тиришларни киритиш учун адлия бошқармаси ФХДЁ архивига хабарнома юборила-ди (20-илова).

#### Фарзандликка олиш

56. Фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЁ бўлимига фарзандликка олиш ҳақида ҳоким қарори ва фарзандликка олинувчининг туғилганлик ҳақида гу-воҳномаси, шунингдек фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат-лари тақдим этилади. Фарзандликка олувчилар икки ёки ундан кўп болани бир вақтда фарзандликка олган ҳолларда ҳоким қарори ҳар бир бола учун алоҳида бўлиши, умумий чиқарилган ҳолларда эса, нечта бола фарзандликка олинаётган бўлса, шун-ча нусхада тақдим этилиши лозим ва ҳар бир қарорда алоҳида кирим ва ижро ҳақида белгилар қўйилиши лозим.

Агар бола вилоят ҳудудида бир тумандан иккинчи туманга фарзандликка оли-наётган бўлса, янги далолатнома ёзуви очилмасдан ҳоким қарори ва боланинг ту-ғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этил-ган ФХДЁ бўлимига тегишли ўзгартиришларни киритиб янги гувоҳнома берилиши учун юборилади.

Агар 10 ёшга тўлмаган бола республика ҳудудида бир вилоятдан иккинчи вилоятга фарзандликка олинаётган бўлса ва ҳоким қароридан унинг туғилган жойи ўзгартирилган бўлса, боланинг фарзандликка олинган жойидаги ФХДЁ бўлими томонидан ҳоким қарори асосида тикланган далолатнома ёзуви очилиб, дастлабки далолатнома ёзуви қайд этилган ФХДЁ бўлимига уни бекор қилиш ҳақида хабарнома юборилади. Бошқа барча ҳолларда фарзандликка олинган боланинг туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви ҳоким қарори асосида тегишли ўзгартиришлар киритилади.

57. Фарзандликка олиш ҳақидаги ҳоким қарорлари тақдим этилган кунда алоҳида дафтарга кетма-кет тартибда рўйхатга олиниб, ижроси таъминланиб, боланинг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси билан биргаликда махсус йиғмажилдга тартиб билан тикилади (21-илова).

58. Ҳоким қарорининг пастки ўнг бурчагига рўйхатга олинган рақам ва санаси ёзиб қўйилади.

59. Фарзандликка олинган боланинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасига қия чизик тортилиб, фарзандликка олинганлиги сабабли бекор қилинганлиги ҳақида ёзиб қўйилади.

60. Ҳоким қарорининг юқори ўнг бурчагига туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви ва берилган гувоҳноманинг серияси, тартиб рақами ёзиб қўйилади.

61. Бола фарзандликка ёлғиз она(ота) томонидан олинган ҳолларда, агар ота(она) устунини тўлдириш бўйича ҳоким қароридан кўрсатма берилмаган бўлса, ота(она) ҳақида маълумотлар ёлғиз она(ота)нинг аризасидаги кўрсатма асосида она (ота) фамилияси бўйича ёзилади.

— Ҳоким қароридан Оила кодекси, Қоидалар ва Йўриқнома талабига зид ҳолда ота ёки она ҳақида маълумотлар киритилган (қонуний никоҳда бўлмаган шахсларни ота-она деб ёзиш ёки бола фарзандликка ёлғиз она ёки ота томонидан олинганида иккинчи томоннинг фамилиясини ўзгача ёзиш ва ҳ. к.) ҳолларда ушбу қарорга қўшимча равишда ўзгартиришлар киритиш ҳақида ҳоким қарори талаб қилиниши ёки уни тегишли тартибда бекор қилиниши учун прокуратура органига мурожаат этилиши лозим.

+

62. Фарзандликка олишни расмийлаштиригандан кейин ФХДЁ бўлими фарзандликка олувчи(лар)га фарзандликка олинганлик ҳақида маълумотнома беради (22-илова).

63. Фарзандликка олинган боланинг туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига тегишли ўзгартиришларни киритиш учун адлия бошқармаси ФХДЁ архивига хабарнома юборилади (23-илова). Хабарнома нусхаси ҳоким қарори билан бирга йиғмажилдга тикилади.

## 2-бўлим. Никоҳни қайд этиш

64. Никоҳга қирувчилар томонидан тақдим этилган аризалар шу куннинг ўзида махсус дафтарга рўйхатга олиниб, аризининг қайд этилган санаси ва рақами ҳамда никоҳни қайд этиш тайинланган санаси ёзиб қўйилади (24-илова).

Ариза қабул қилинган вақтида никоҳланувчи шахсларга тиббий кўрикка берилган йўлланмалар рақами аризининг қирум рақамига дробь орқали тартиб билан қўшиб борилади.

65. Никоҳга қириш ҳақида белгиланган шаклда тўлдирилган аризадаги маълумотлар никоҳга қирувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида аниқ ёзилиши ва аризани қабул қилувчи масъул ходим иштирокида имзоланиши ҳамда у

томонидан аризада кўрсатилган маълумотлар аризачиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (паспорт, офицерларнинг шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси) билан текшириб қабул қилиниши лозим (25-илова).

Ариза 2 қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми топшириш вақтида тўлдирилиб, ўша кундаги сана ёзилади. 2-қисми эса, никоҳланувчилар белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтганларидан кейин, никоҳни қайд эттириш вақтида тўлдирилади ва шу куннинг санаси қўйилади.

ИИБ томонидан вақтинча паспорт ўрнига берилган маълумотнома (Ф № 9 — Ўзбекистон фуқаролари учун, Ф № 36-фуқаролиги бўлмаган шахслар учун) билан никоҳ қайд этишга йўл қўйилмайди.

66. Узрли сабаблар бўлганда ФХДЁ органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Никоҳни қайд этиш алоҳида ҳоллар (хомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да ариза берилган кун амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолда муддатни қисқартириш сабаби никоҳга кириш ҳақида аризанинг юқори чап бурчагига ёзилиб асослантирилади ва мудирнинг имзоси билан тасдиқланади.

67. Никоҳга кириш ҳақида қабул қилинган аризалар никоҳ қайд этилгунгача алоҳида йиғмажилдда сақлаб турилади. Чет элликлар билан никоҳни қайд этишда аризага чет элликнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси ва таржимаси илова қилинади.

68. Белгиланган муддатда йўқланмаган аризалар алоҳида йиғмажилдга тикилиб борилади ва узрли сабаблар бўлганда никоҳни қайд этиш белгиланган кундан бошлаб, уч ой давомида йўқланган аризалар бўйича никоҳ қайд этилиши мумкин. Бундай ҳолда никоҳга кириш ҳақида аризанинг орқа тарафидаги бўш жойга никоҳланувчилар томонидан белгиланган муддатга келолмаганлик сабаби, никоҳни қайд эттириш истаги ва шу куннинг санаси ёзилиб, имзолар қўйилади.

69. Ариза берилган кундан бошлаб, тўрт ойлик муддатда йўқланмаган аризалар аризачиларнинг фамилияси, исми, ариза берилган ва никоҳ қайд этиш белгиланган саналари кўрсатилиб, тузилган далолатнома асосида ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади ва далолатномалар алоҳида йиғмажилдга тикиб борилади.

Тўрт ойлик муддатдан кейин никоҳга кириш истагини билдирган шахслар никоҳга кириш ҳақида қайта ариза билан мурожаат этадилар.

70. Никоҳлари қайд этилган шахсларнинг аризалари тиббий кўрик маълумотномалари билан биргаликда, заруратига қараб, ойлик, чорак ва йиллик қайд этилган далолатнома ёзуви тартибига қатъий амал қилган ҳолда, тикиб борилади ҳамда йиғмажилднинг ички чап томонида тегишли маълумотлар ёзиб борилади (26-илова).

### 3-бўлим. Никоҳдан ажратиш

71. Вояга етмаган фарзандлари ҳамда мулкый низолари бўлмаган эр-хотинларнинг никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризалари тушган кунда алоҳида дафтарга рўйхатга олиниб, аризанинг юқори ўнг қисмига қабул қилган мансабдор шахснинг имзоси қўйилиб, никоҳдан ажратиш тайинланган сана ёзилади (27-илова).

72. Никоҳдан ажратишни расмийлаштириш бўйича ҳужжатлар учун учта йиғмажилд юритилади.

Биринчи йиғмажилдга 1998 йил 1 сентябрга қадар Республика судларининг, шунингдек, қайси йилда чиқарилганлигидан қатъи назар, МДХ давлатлари ва бош-

қа давлат судларининг никоҳни бекор қилиш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарорлари (улар бўйича ФХДЁ бўлимида никоҳдан ажралганликни қайд этиш назарда тутилган ҳолларда), эр-хотиндан бирининг 3 йилдан ошиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги ҳақидаги суд ҳукмлари, ёки улардан бирини бедарак йўқолган ёхуд муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги суд қарорлари, эр-хотинларнинг ўзаро розилиги асосида никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризалари дастлабки далолатнома ёзувларига мувофиқ тартиб билан тикилади ва унинг ички чап томонида тегишли маълумотлар ёзиб борилади (28-илова).

73. Суднинг ҳал қилув қарори, ҳукм, ўзаро розилик асосида никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризининг юқори ўнг бурчагига далолатнома ёзуви рақами ва санаси ёзиб қўйилади.

74. Иккинчи йиғмажилдга дастлабки далолатнома ёзувларига киритилган қўшимчалар бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари тикилади ва ички чап томонига тегишли маълумотлар ёзиб қўйилади (29-илова).

75. Учинчи йиғмажилдга муддатида йўқланмаган аризалар тикиб борилади.

76. Вояга етмаган фарзандлари ҳамда мулкый низолари бўлмаган эр-хотин ўзаро розилиги асосида никоҳдан ажралиш ҳақида ФХДЁ органига биргаликдаги ариза билан мурожаат этадилар (30-илова).

77. Эр ёки хотиндан бири никоҳдан ажралганликни қайд этиш белгиланган (уч ойлик муддат тугаган) кунда бирон бир сабабга кўра ФХДЁ органига кела олмайдиган алоҳида ҳолларда, аризининг орқа тарафига сабабини кўрсатиб, никоҳдан ажралганликни унинг иштирокисиз қайд этиш ҳақида ёзиб қолдиради ва бунга иккинчи томоннинг розилиги билдирилган имзоси бўлиши зарур.

Бу ҳолда никоҳдан ажралганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувида ёзувни қайд этиш вақтида иштирок этмаган томон ҳақида белгилар учун устунда ёзиб қўйилади ва у кейинчалик ФХДЁ бўлимига мурожаат этган вақтида далолатнома ёзувида имзоси қўйдирилиб, гувоҳнома ёзиб берилади ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатига никоҳдан ажралганлиги ҳақида белги қўйилади.

78. Никоҳдан ажратиш ҳақида қабул қилинган аризалар никоҳдан ажралганлик қайд этилгунгача алоҳида йиғмажилдда сақлаб турилади.

79. Белгиланган муддатда йўқланмаган аризалар алоҳида йиғмажилдга тикилиб борилади ва узрли сабаблар бўлганда никоҳдан ажралганликни қайд этиш белгиланган кундан бошлаб, уч ой давомида йўқланган аризалар бўйича никоҳдан ажралганлик қайд этилиши мумкин. Бундай ҳолда никоҳдан ажралиш ҳақида аризининг орқа тарафидаги бўш жойга аризачилар томонидан белгиланган муддатда келмаганлик сабаби, никоҳдан ажралганликни қайд эттириш истаги ва шу куннинг санаси ёзилиб, имзолар қўйилади.

80. Белгиланган муддатдан кейин уч ойлик муддатда йўқланмаган аризалар аризачиларнинг фамилияси, исми, ариза берилган ва никоҳдан ажралганликни қайд этиш белгиланган саналари кўрсатилиб тузилган далолатнома асосида ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади.

Ариза берилган кундан бошлаб, олти ойлик муддатдан кейин никоҳдан ажралиш истагини билдирган шахслар никоҳдан ажралиш ҳақида янгидан биргаликдаги ариза билан мурожаат этишлари лозим.

81. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки бедарак йўқолган деб топилган эр(хотин) билан никоҳдан ажралишни хоҳловчи хотин(эр) ФХДЁ бўлимига суднинг бу ҳақдаги қонуний кучга кирган қароридан нусхани илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат этиши лозим (31-илова).

82. Эр-хотиндан бири содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган

муддатга ҳукм қилинган ҳолларда никоҳдан ажралишни хоҳловчи эр ёки хотин никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризасида маҳкумнинг жазони ўтаётган жойини кўрсатиб, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кўчирма илова қилиши лозим (32-илова).

Ушбу ариза никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш дафтарига киритилиб, ҳукм асосида деб изоҳланади.

83. ФХДЁ бўлими аризани тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиб, шу кунгек жазони ижро этиш муассасасига никоҳдан ажралиш ҳақида ариза тушганлигидан маҳкумни хабардор қилиш ҳамда розилигини аниқлаш учун хабарнома юборади ва маҳкумнинг муассаса томонидан тасдиқлаб юборилган розилик хатини олгач, ФХДЁ бўлими никоҳдан ажралганликни қайд этади (33-илова).

Маҳкум розилик бермаган ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилиши тушунтирилади.

84. Никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзувлари уларни қайд этиш учун асос бўлган суд қарорларида, ҳукмларда уларнинг қонуний кучга кирганлигини тасдиқловчи белги ёки бу ҳақда маълумотнома мавжуд бўлган тақдирдагина қайд этилади.

Ўзбекистон ҳудудида қайд этилган никоҳ чет эл судида ажратилган ҳолларда, Ўзбекистон фуқаролари мазкур қарорни легализация қилинган нусхасини таржимаси билан бирга никоҳ қайд этилган ФХДЁ органига тақдим этадилар ва мазкур орган раҳбари никоҳ далолатнома ёзувида унинг ажратилганлиги ҳақида тегишли белгини қўяди.

Никоҳдан ажралганликни қайд этган ФХДЁ бўлими никоҳни қайд этган ФХДЁ органига ёки адлия бошқармаси ФХДЁ архивига бу ҳақда хабарнома юборади (34-илова).

#### 4-бўлим. Ўлимни қайд этиш

85. Ўлимни қайд этиш ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома ёки суднинг вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарорига асосан амалга оширилиб, ўлимни қайд этиш учун асос бўлган ҳужжат ўлим ҳақида далолатнома ёзувининг иккинчи нусхаси билан бирга тикилиб, адлия бошқармаси ФХДЁ архивида 75 йил давомида сақланади.

86. Ўлимни қайд этириш учун ФХДЁ органига ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома ёки суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қонуний кучга кирган (бу ҳақда белги қўйилган ёки тегишли маълумотнома билан тасдиқланган) қарори билан бирга 16 ёшгача бўлган фуқароларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, 16 ёшдан ошганларнинг эса паспортлари ва ҳарбий билети тақдим этилади.

Ўлган фуқаронинг ҳужжати тақдим этилмаган ҳолларда ўлимни қайд этиш рад этилмайди, бундай ҳолда далолатнома ёзувининг «Белгилар учун» устунда «Ҳужжати топширилмади, далолатнома ёзуви ўлим ҳақида тиббий гувоҳномага ёки суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарорига асосан қайд этилди» деб ёзиб қўйилади.

87. Ўлимни қайд этиш муддатини ўтказиб мурожаат этилганида, ўлим ҳақида тиббий гувоҳноманинг асл нусхаси тақдим этилмаган ҳолларда, фуқаронинг вафот этган ва ўлимидан олдин яшаган жойидаги адлия бошқармаси ФХДЁ архиви томонидан ўлим қайд этилмаганлиги ҳақида маълумотнома олинганидан кейингина далолатнома ёзуви қайд этилади.

88. Ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилгач, ФХДЁ органи томонидан марҳумнинг яқинларига қабристонга ва сугурта кассасига топшириш учун маълумотномалар берилади (35-илова).

Ўзбекистон ҳудудида доимий яшовчи шахслар Ўзбекистондан ташқарида вафот этган ҳолларда, мархумнинг жасади дафн этиш учун олиб келинганида, ҳудудида ўлим содир бўлган давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган тегишли ҳужжат тақдим этилганида, мархум дафн этиладиган жойдаги ФХДЁ бўлими томонидан қабристонга ва суғурта кассасига маълумотномалар берилади. Маълумотнома ФХДЁ бўлиmidан чиқиш дафтарида рўйхатдан ўтказилиб, алоҳида йиғмажилдга тикилади ва йиғмажилднинг ички чап томонида рўйхати кўрсатиб борилади.

89. Вафот этганларнинг паспортлари ФХДЁ бўлими томонидан ҳар ойлик ҳисобот якунида икки нусхада тузилган рўйхат билан ички ишлар бўлимига топширилади (36-илова).

Вафот этган ҳарбий бурчлиларнинг ҳарбий билетлари ҳам худди шу тартибда мудофаа ишлари бўлимига топширилади (36-а илова).

90. Вафот этганларнинг паспортлари ички ишлар бўлимига ва ҳарбий билетлар мудофаа ишлари бўлимига топширилганда, рўйхатларнинг иккинчи нусхасида қабул қилинган сана ва қабул қилган ходимнинг фамилияси, имзоси ва лавозими кўрсатилиши лозим.

91. 16 ёшгача ўлган болаларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномалари ҳар чоракда 2 нусхада тузиладиган далолатнома асосида ёқиш йўли билан йўқ қилинади. Далолатномада ўлган боланинг фамилияси, исми, далолатнома ёзуви рақами ва санаси, гувоҳноманинг серия ва рақами кўрсатилиши шарт.

Далолатноманинг 1-нусхаси адлия бошқармасига топширилади, иккинчи нусхаси эса ёқиётган гувоҳномаларнинг қирқиб олинган серия, рақамлари ёпиштирилган ҳолда ФХДЁ бўлими архивида алоҳида йиғмажилдда сақланади.

#### **5-бўлим. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш**

92. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш учун аризачининг яшаш жойидаги ёки тегишли далолатнома ёзуви қайд этилган ФХДЁ органига белгиланган шаклда ариза билан мурожаат қилинади (37-илова).

Далолатнома ёзувига ўзгартиришлар «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан киритилиши лозим бўлган ҳолларда мазкур Йўриқноманинг 38-илловасида кўрсатилган шаклда ариза берилади.

Никоҳга киришда умумий фамилия танлаб, лекин шахсини тасдиқловчи ҳужжати ўзгартиришсиз қолган ҳолларда, фуқаро никоҳгача бўлган фамилиясига қайтиш ҳақида ариза берган ҳолларда, бу ҳолат никоҳ далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилади.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ишончнома орқали амалга оширилмайди.

93. Аризалар шу куннинг ўзида махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилиб, ариза ва тақдим этилган ҳужжатлар алоҳида йиғмажилдга тартиб билан тикилади (39-илова).

Хулоса қилиниши лозим бўлган аризалар бўйича ҳужжатлар алоҳида йиғмажилдга тикилиб, йиғмажилднинг ички чап томонига ҳужжатлар рўйхати ёзиб қўйилади.

Ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзувлари албатта йиғмажилдга тикилиши лозим.

94. Ота-онанинг биргаликдаги аризаси асосида 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган боланинг фамилияси, исмига ўзгартириш киритилганда, боланинг розилиги аризининг пастки чап томонига ФХДЁ бўлими мудираси томонидан тасдиқланган ҳолда киритилади.

95. Фуқаронинг жинси ўзгарганида далолатнома ёзувига тузатиш киритиш фақат соғлиқни сақлаш органлари хулосасига асосан амалга оширилади.

96. Ўзгартиришлар фақат битта далолатнома ёзувига киритиладиган ҳолларда, ФХДЁ бўлими мудир аризани ва тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, далолатнома ёзувига ўзгартиришлар киритиш учун етарли асослар бўлган ҳолларда шу куннинг ўзида ариза асосида хулоса тузмасдан тегишли далолатнома ёзувига ўзгартириш киритади ва аризага янги гувоҳнома ёзиб беради.

97. Ўзгартиришлар киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзув(лар)и Республикадан ташқарида бўлган, шунингдек, икки ва ундан ортиқ далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар киритилиши лозим бўлган ҳолларда ФХДЁ бўлими мудир бу ҳақда асослантирилган хулоса тузади (40-илова).

Хулосанинг нечта нусхада тузилиши ўзгартиришлар нечта ФХДЁ органида қайд этиладиган далолатнома ёзувларига киритилишига қараб белгиланади.

98. Фуқаро доимий яшаш жойи бўйича ФХДЁ органига ариза берган ҳолларда далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги хулоса хабарнома билан бирга далолатнома ёзуви қайд этилган ФХДЁ органига ижро учун юборилади. Далолатнома ёзувига ўзгартириш киритган ФХДЁ органи хабарномани далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига ўзгартириш киритиш учун юқори турувчи ФХДЁ архивига юборади (41-илова).

Архивга юборилган хабарнома нусхаси ариза ижросининг тасдиғи сифатида бирга тикилиши лозим.

Ўзгартириш республика ҳудудида қайд этилган далолатнома ёзувларига киритилиши лозим бўлган ҳолларда, йиғмажилд хулосани тузган ФХДЁ бўлимининг ўзида сақланади. Ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзуви бошқа ФХДЁ органида бўлган ҳолларда, ўша ФХДЁ органи томонидан ўзгартиришлар киритилиб, гувоҳнома берилганлиги назорат қилинади ва аризага гербли гувоҳнома рақами ёзиб қўйилади.

Ўзгартириш бошқа республикада қайд этилган далолатнома ёзувига киритилиши лозим бўлган ҳолларда йиғмажилд нусхаси ва хабарнома рус тилига таржима қилинган ҳолда жўнатилади.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш ҳақидаги аризани ижро этган масъул ходим томонидан аризининг юқори ўнг бурчагига ўзгартириш киритилганлиги сабабли янгидан берилган гувоҳнома рақами ва берилган санаси ёзиб қўйилади.

Далолатнома ёзувига қандай асосларга кўра ўзгартиришлар киритилганлиги белгилар учун устунда қисқа ва аниқ изоҳланиб, масъул шахснинг имзоси ва гербли муҳр билан тасдиқланиши зарур.

99. Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилганда тегишли алфавит дафтарида ўзгартирилган фамилия ва исм аввалги ёзувлар ўчирилмаган ҳолда киритилади.

100. Аризага далолатнома ёзув(лар)ига ўзгартириш киритилганлиги тўғрисида маълумотнома берилади (42-илова).

### **6-бўлим. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш**

101. Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш учун берилган аризалар шу куннинг ўзида махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилиб, ариза ва тақдим қилинган ҳужжатлар алоҳида йиғмажилдга тартиб билан тикилади.

Ишончнома орқали фамилия, исм, ота исмини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзувлари нусхаси албатта

йиғмажилдга тикилиши лозим. Агар улар бошқа ФХДЁ органларида қайд этилган бўлса, ФХДЁ бўлими мудир сўровнома орқали улардан нусхалар олади.

Йиғмажилднинг ички чап томонига унда тикилган ҳужжатларнинг рўйхати ёзилиб, мудир томонидан имзоланади.

102. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ҳақида ФХДЁ органига белгиланган шаклда ариза билан мурожаат этилади (43-илова).

Аризачи вояга етмаган ҳолларда (16 ёшдан 18 ёшгача) фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш учун ота-онасининг ёзма розилик аризаси олиниши лозим.

103. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ҳақида аризалар шу куннинг ўзида алоҳида рўйхатга олиш дафтарига киритилади (44-илова).

104. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш бўйича ариза ва тўпланган ҳужжатлар йиғмажилди махсус текшириш ўтказиб, хулоса бериш учун ИИБ га юборилади (45-илова). Алоқа хатининг нусхаси йиғмажилд ИИБ дан хулоса билан қайтарилгач, унга тикиб қўйилади. ИИБ нинг жавоб хати ҳам йиғмажилдга тикилади.

105. Аризага илова этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ички ишлар бўлимининг хулосасига асосан ФХДЁ бўлими мудир аризачининг фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ёки рад этиш тўғрисида асослантилган хулоса тузади (46-илова).

106. Хулосага кўра тегишли (аризачининг никоҳ тузилганлиги ёки никоҳдан ажралганлиги, вояга етмаган болаларининг туғилганлиги ҳақидаги) далолатнома ёзувларига аризачининг ўзгартирилган фамилия, исм, ота исми киритилиб, улар асосида янги гувоҳномалар (қайта давлат божи ундирилмасдан) берилади. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш билан боғлиқ равишда киритилган ўзгартиришлар албатта тегишли алфавитларга киритилиши лозим.

107. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирган шахсга бу ҳақда маълумотнома берилади (47-илова).

108. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик сабабли ўзгартириш киритилиши лозим бўлган далолатнома ёзуви бошқа ФХДЁ органида бўлса, у ҳолда ФХДЁ органи далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш ҳақида хабарнома билан бирга хулосадан нусха юборади. Далолатнома ёзувининг иккинчи нусхасига тегишли ўзгартиришларни киритиш учун худди шундай хабарнома адлия бошқармаси ФХДЁ архивига ҳам юборилади (48-илова).

Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик тўғрисида ИИБ га ва туман мудофаа бўлимига (фуқаро ҳарбий бурчли бўлган ҳолларда) 7 кун ичида хабар берилди (49, 49-а-иловалар).

Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик сабабли берилган гербли гувоҳномалар рақамлари хулосанинг охирида берилган ёки бошқа ФХДЁ бўлиmidан олиб берилган саналари кўрсатилган ҳолда ёзиб қўйилади.

Архивга юборилган хабарнома нусхаси ариза ижросининг тасдиғи сифатида йиғмажилдга тикилади.

109. Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирган шахс ФХДЁ органига бу масалада иккинчи марта ариза билан орадан бир йил ўтгандан сўнг мурожаат этиши мумкин.

### 7-бўлим. Далолатнома ёзувларини тиклаш

110. Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги ариза аризачининг яшаш жойидаги ФХДЁ бўлимига белгиланган шаклда берилиб, мурожаат этувчи ҳақидаги ва унинг илтимосини асословчи барча маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим (50-51-иловалар).



Ишончнома орқали далолатнома ёзувини тиклашга йўл қўйилмайди.

111. Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги аризалар қабул қилинган кунда рўйхатга олиш дафтарига кирим қилинади (52-илова).

112. Ариза ва тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, зарур ҳолларда тегишли ФХДЁ органларидан керакли далолатнома ёзувлари нусхалари талаб қилиб олинди, далолатнома ёзуви умуман қайд этилмаганлигини ёки йўқолган далолатнома ёзувининг ҳақиқатда бўлганлигини аниқлагандан кейин ФХДЁ бўлими мудирини далолатнома ёзувини тиклаш ҳақида асослантирилган хулоса тузди (53-54-иловалар).

Далолатнома ёзувининг ёзувини тиклаш учун асос устунида хулосанинг санаси ва йиғмажилд рақами кўрсатилади.

### **8-бўлим. ФХДЁ органлари архивида далолатнома ёзувлари дафтарларининг рўйхати (архив фонди)ни тузиш тартиби**

113. Адлия бошқармаси ФХДЁ архиви ҳамда ФХДЁ органлари архивлари темир стеллажлар билан жиҳозланган, қуёш нуридан, захдан сақланган, шамоллатиб туришга мослаштирилган дераза ва эшигига темир панжара ўрнатилган алоҳида хоналарда жойлаштирилиши лозим.

Архив хонасига кириш ва далолатнома ёзувлари билан ишлаш ҳуқуқига, архив мудирини, ФХДЁ органи раҳбари ва архив учун масъул ходимларгина ҳақлидирлар. Улардан ташқари архив хонасига кириш ва далолатнома ёзувлари билан танишиш ҳуқуқига архив мудирини, ФХДЁ органи раҳбари ёки архив учун масъул шахс иштирокида, адлия бошқармаси ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари (тегишли буйруқ асосида) ҳақлидирлар.

Архив хонасига бегоналарнинг кириши қатъиян ман этилади.

ФХДЁ архивида электр иситгичлар ва шамлардан фойдаланиш ман этилади.

Архив хонаси ва далолатнома ёзувлари ҳафтада бир марта чанг ютгич билан тозаланиши лозим.

114. Адлия бошқармалари ва ФХДЁ органлари архивларида мавжуд далолатнома ёзувлари дафтарлари рўйхати (архив фонди) тузилади.

115. Далолатнома ёзувлари дафтар шаклида тикиш учун тайёрланганида далолатнома ёзувларининг қайд этилган йили, тури ва далолатнома ёзувлари кетма-кетлигига риоя этилган ҳолда 200—250 варақли дафтар ҳолида тахланиб, муқовада ҳисобга олиш варағи қўшиб тикилади. Тикиб тайёрланган дафтарнинг муқовасига далолатнома ёзувлари қайси рақамдан бошланиб, қайси рақамда тугаганлиги, сони ва орада йўқолган далолатнома ёзувлари бўлса, уларнинг рақамлари ва сони ҳақидаги маълумотлар ёзиб қўйилади (55-илова).

116. Дафтар шаклида тикилган далолатнома ёзувларининг ҳар бири қора қалам билан юқори ўнг бурчагида рақамланиб, охирида «\_\_\_\_\_» «варақда далолатнома ёзуви тикилиб, рақамланди» деб, ишонч ёзуви кўрсатилган ҳолда ФХДЁ органининг масъул ходими томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланади.

117. ФХДЁ архивида фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари дафтарлари темир стеллажларга хронологик тартибда, далолатнома ёзувлари турлари бўйича ҳар бир туман, шаҳар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича алоҳида тахланган ҳолда сақланади.

118. Далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ФХДЁ архивига келиб тушган хабарномалар шу кунгача хат-хабарномаларни рўйхатга олиш дафтарига кирим қилиниб, ижроси таъминланиши лозим.

119. Адлия бошқармалари ФХДЁ архивларида шу ҳудудда жойлашган ҳар бир туман, шаҳар ФХДЁ бўлимларидан келиб тушган хабарномалар зудлик билан ижроси таъминланиб, бу ҳақда белги қўйилган ҳолда алоҳида йиғмажилдга тартиб билан тикиб борилади.

120. ФХДЁ архивидаги мавжуд далолатнома ёзувлари дафтарлари рақамланиб, архив фонди дафтарига киритилади (56-илова).

### **9-бўлим. ФХДЁ органи архивдан такрорий гувоҳномалар ва бошқа маълумотлар бериш тартиби**

121. ФХДЁ органи архивдан зарур ҳолларда манфаатдор шахсларнинг аризалари ёки тегишли ташкилот, муассасаларнинг сўровномаларига асосан қайд этилган далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳнома, маълумотномалар, далолатнома ёзувларидан нусхалар, кўчирмалар берилади(юборилади).

122. Такрорий гувоҳнома бериш(юбориш)ни сўраб ёзилган аризаларда ариза-чининг фамилияси, исми, ота исми ва яшаш манзили, шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг серия, рақами, қачон, ким томонидан берилганлиги, такрорий гувоҳнома сўралаётган шахснинг фамилияси, исми, ота исми, талаб қилинаётган гувоҳнома тури, далолатнома ёзуви рақами, қачон ва қайси ФХДЁ органи томонидан қайд этилганлиги, такрорий гувоҳнома нима мақсадда талаб қилинганлиги аниқ кўрсатилади.

123. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидан нусхалар ва такрорий гувоҳномалар фуқаронинг ўзига, ота-онасига ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга берилади (бола фарзандликка олинган ҳоллар бундан мустасно).

124. Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳнома сўралган аризада гувоҳнома сўралаётган шахснинг фамилияси, исми, ота исми, далолатнома ёзувининг қайд этилган жойи, санаси ва рақами, ота-онасининг фамилияси, исми, ота исми ва миллати кўрсатилиши лозим (57-илова).

125. Никоҳ, никоҳдан ажралганлик ҳақида такрорий гувоҳнома сўралган аризада эр (хотин), собиқ эр(хотин) нинг фамилияси, исми, ота исми ҳамда далолатнома ёзуви қачон, қайси ФХДЁ бўлимида қайд этилганлиги кўрсатилади (58-илова).

126. Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувидан нусхалар ва такрорий гувоҳномалар никоҳланган шахсларнинг ўзларига ёки нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга берилиши мумкин. Зарур ҳолларда, никоҳланган шахсларнинг ота-оналарига, фарзандларига ариза асосида никоҳ қайд этилганлиги ҳақида маълумотномалар берилиши мумкин.

Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувида никоҳ ажратилганлиги ҳақида белги бўлган ҳолларда такрорий гувоҳнома берилмайди.

127. Никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзувларидан нусхалар ва такрорий гувоҳномалар никоҳдан ажралган шахсларнинг ўзларига ёки нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга берилиши мумкин. Зарур ҳолларда, никоҳдан ажралган шахсларнинг фарзандларига, меросхўрларига никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилганлиги тўғрисида маълумотнома берилиши мумкин.

128. Ўлим ҳақида такрорий гувоҳнома сўралган аризада вафот этган шахс тўғрисидаги маълумотлардан ташқари ариза-чининг марҳумга қариндошлиги ёки меросхўрлиги кўрсатилади (59-илова).

129. Ўлим ҳақида далолатнома ёзувидан нусха ва такрорий гувоҳномалар мар-

ҳумнинг яқин қариндошларига ва меросхўрларига ёки нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга берилади.

130. Такрорий гувоҳнома олиш учун мурожаат этган шахс ФХДЁ органига албатта шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этиши лозим.

131. Такрорий гувоҳнома берилиши учун асос бўлувчи далолатнома ёзувининг айрим бандлари тўлдирилмаган бўлса, такрорий гувоҳнома беришда ушбу маълумотлар сўралган жойга чизиқча қўйилади.

Гувоҳнома такрорий берилганда гувоҳноманинг ўнг томони юқори қисмига «Такрорий» деб белги қўйилади.

132. Туман (шаҳар) ФХДЁ бўлими архивида керакли далолатнома ёзуви топилмаган ҳолларда, такрорий гувоҳнома ёки далолатнома ёзуви сўралган ариза, ушбу туман (шаҳар) ФХДЁ бўлими архивида сўралган далолатнома ёзуви йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома билан бирга, далолатнома ёзувининг иккинчи нусхаси бўйича қидириш учун адлия бошқармаси ФХДЁ архивига юборилади (60-илова).

133. Далолатнома ёзувидан нусха, кўчирмалар олинганида далолатнома ёзувида бор бўлган барча маълумотлар ўзгаришсиз кўчирилади ва нусханинг орқа тарафининг пастки қисмига «нусха аслига тўғри» деб ёзилиб, масъул ходимнинг имзоси ва ФХДЁ органи муҳри билан тасдиқланиб, нусха кўчирилган сана ёзиб қўйилади.

134. Вилоят, шаҳар ФХДЁ архивида далолатнома ёзувини қидиришда текширув ҳудуддаги барча ФХДЁ органлари бўйича далолатнома ёзуви қайд этилган деб кўрсатилган йил ва ундан олдинги ҳамда кейинги уч йиллик дастлабки ва тикланган далолатнома ёзувлари бўйича ўтказилади.

135. Зарур ҳолларда манфаатдор ташкилот ёки муассасаларга уларнинг сўровномалари асосида ФХДЁ архивида мавжуд далолатнома ёзувлари асосида далолатнома ёзуви қайд этилганлиги тўғрисида маълумотномалар берилиши мумкин.

136. ФХДЁ органларида сақланадиган барча ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга ҳужжатлар бўлганлиги сабабли архив хоналарида маълум муддатларда сақланади ва сақланиш муддатлари ўтгач, махсус тузилган комиссия иштирокида ёкиш йўли билан йўқ қилинади (61-илова).

1-ИЛОВА

**Қабул қилинган гербли гувоҳнома бланкаларини  
кирим қилиш дафтари**

Юкхат рақами ва санаси	Кирим қилинган сана	Гувоҳнома номи	Гувоҳнома серияси ва рақамлари	Сони	Изоҳ
№ 3 02.01.05	02.01.2005	туғилганлик ҳақида	П-КК 0000001- П-КК 0050000	50000	
№ 3 02.01.05	02.01.2005	Никоҳ ҳақида	П-КК 0020001- П-КК 0040000	20000	
№ 85 20.08.05	20.08.2005	никоҳдан ажралганлик ҳақида	П-КК 0020001- П-КК 0021000	1000	
№ 85 20.08.05	20.08.2005	ўлим ҳақида	П-КК 0050001- П-КК 0080000	30000	

2-ИЛОВА

**Гербли гувоҳнома бланкаларини тарқатиш дафтари**

ФХДЁ органи номи	сарф қилинаётган сана	Гувоҳнома номи	Гувоҳнома серияси ва рақамлари	Сони	Қабул қилган масъул шахсинг лавозими, ф-яси ва имзоси
Урганч шаҳар ФХДЁБ	05.01.2005й	туғилганлик ҳақида	II-HR 0000001- II-HR 0003000	3000	
	05.01. 2005й	никоҳ ҳақида	II-HR 0020001- II-HR 0021000	1000	
	05.01.2005й	никоҳдан ажралганлик ҳақида	II-HR 0020001- II-HR 0020100	100	
	05.01. 2005й	ўлим ҳақида	II-HR 0050001- II-HR 0051000	1000	
Гурлан туман ФХДЁБ	05.01. 2005й	туғилганлик ҳақида	II-HR 0003001- II-HR 0005000	2000	
	05.01. 2005й	никоҳ ҳақида	II-HR 0021001- II-HR 0021500	500	
	05.01. 2005й	никоҳдан ажралганлик ҳақида	II-HR 0020101- II-HR 0020150	50	
	05.01. 2005й	ўлим ҳақида	II-HR 0051001- II-HR 0051500	500	

3-ИЛОВА

**Адлия бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳнома бланкаларини кирим қилиш дафтари**

Кирим қилинган сана	Гувоҳнома номи	Гувоҳнома серияси ва рақамлари	Сони	Изоҳ
05.01. 2005й	Туғилганлик ҳақида	II- HR 0000001- II- HR 0003000	3000	
05.01.2005 й.	Никоҳ ҳақида	II- HR 0020001- II- HR 0021000	1000	
05.01.2005й.	Никоҳдан ажралганлик ҳақида	II- HR 0020001- II- HR 0020100	100	
05.01. 2005й.	Ўлим ҳақида	II- HR 0050001- II- HR 0051000	1000	

4-ИЛОВА

**Гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтари**

Гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтари юритиш намунаси  
2002 йил 1 январга I-TN № 0816379 дан 0816500 гача 122 дона ортиб қолди

Т/р	Берилган сана	Гувоҳнома серияси ва рақами	Д/ё бўйича фамилия ва исм	Д/ё рақами	Изоҳ
1.	1.01.	0816379	Каримов Салим	1	
2.	1.01.	0816380	Наимов Азим	2	
3.	2.01.	0816381	Қодирова Гули	3	
4.	3.01.	0816382	Исаев Шокир	4	
5.	3.01.	0816383	Мадияров Илхом	5	
...					
122	10.04	0816500	Лигаи Андрей	101	

**Изоҳ:** Гербли гувоҳномаларнинг ҳар бир тури учун алоҳида юритилади.

+

4а-ИЛОВА

**Гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтарида янги очилган ўрамни акс эттириш намунаси**

2005 йил 1 мартда I-TN № 0315001 дан 0315500 гача 500 (беш юз)дона

Т/р	Берилган сана	Гувоҳнома рақами	Д/ё бўйича фамилия, исм	Д/ё рақами ва санаси	Изоҳ
1.	11.03.	0315001	Ҳамидов Абдор	257	
2.	11.03.	0315002	Жумаева Сарви	258	
3.	12.03.	0315003	Пўлатов Акбар	259	
4.	12.03.	0315004	Раҳимов Зокир	260	
5.	12.03.	0315005	Зокиров Асқар	261	
....					
500		0315500	Қодирова Гули	753	

5-ИЛОВА

**Такрорий гувоҳномаларни сарфлаш дафтари**

2005 йил 1 январда I-TN № 322501-323000 500 дона

Т/р	Берилган сана	Гувоҳнома рақами	Аризачининг фамилияси, исми	Д/ё рақами ва қайд этилган йили	Изоҳ
1.	03.01	322501	Тоғаев Шукур	754- 58	Жўнатилди
2.	03.01	322502	Султонова Гулнора	501-71	15-модда
3.	05.01	322503	Содиқов Аброр	942-69	ота-к. белг.
4.	06.01	322504	Азизова Анора	821-97	ф-кка олиш
5.	06.01	322505	Ғуломова Асал	194-37	Гулистон ҚФЙ
...					жўнатилди
500	28.12.	323000	Ёқубов Ғулом	27-41	

6-ИЛОВА

**Далолатнома ёзувлари бўйича АЛФАВИТ, 2005 йил**

Фамилия	исми	Д-ё рақами	Изоҳ
Абдуллаев	Алихон	7	Гулистон ҚФЙ
Ашуров	Алихон	14	Дархон ҚФЙ
Алимов	Дилмурод	21	Балиқчи ҚФЙ
Абдуллаев	Элдор	42	-«-(ўлик туғилган)
Азизов	Темур	42	
Алиохунова	-	75	
Аълоев	Ҳикмат	52	

**Изоҳ:** Далолатнома ёзувларининг ҳар бир тури учун алоҳида юритилади.

7-ИЛОВА

**Бошқа ФХДЁ бўлимларидан келган гербли гувоҳномалар учун АЛФАВИТ дафтари**

Рўйхатга олинган сана	Гувоҳномадаги фамилия, исм, ота исми	Гувоҳнома номи, рақами, санаси ва д/ё	Қаердан келган
21.01. 2005 й.	Каримжонова Гавҳар Исламовна	туғилганлик ҳақида I-HN 0089672 12.04.99, д/ё 234	Самарқанд шаҳар 1-сонли ФХДЁ бўлими
29.01. 2005 й.	Кароматов Давлат Исмаатович Караматова Ноила Нишоновна	Никоҳ ҳақида I-TN 0098765 08.09.84, д/ё 658	Наманган шаҳар Поп тумани ФХДЁ бўлими

Рўйхатга олинган сана	Гувоҳномадаги фамилия, исм, ота исми	Гувоҳнома номи, рақами, санаси ва д/ё	Қаердан келган
14.02. 2005 й.	Королев Владислав Игоревич	Ўлим ҳақида II-TN 2398000 08.11.02 д/ё 987	РФ, Москва шаҳар ФХДЁ архиви

8-ИЛОВА

**Хат, хабарнома ва аризаларни рўйхатга олиш дафтари**

Т/р	Санаси	Келган хатнинг рақами ва санаси	Қаердан, кимдан келган	Қисқача мазмуни	Ижроси ҳақида белги
1	5.01.05	457 15.12. 2004 й.	Москва ш-р ФХДЁ бўлими	1982 й. туғилган Г.В. Ивановнинг туғил. ҳақ .д/ё нусхаси сўралган	Туг-к д/ё 915-82 й Москва шаҳар ФХДЁ бўлимига жўнатилди (Чиқиши № 1, 05.01.2005й.)
2	06.01.05	20.12. 2004й.	Саратов шаҳар Ленин кўча 5-уй	1988 йилдаги Никоҳ ҳақида такрорий гувоҳнома сўраган	Никоҳ гувоҳномаси I-TN 0004867 д/ё 56-88 й Киселев С.А. ва Иванова Р.О. Саратов шаҳар ФХДЁ бўлимига юборилди (Чиқиши № 2, 06.01.2005й)

9-ИЛОВА

**ФХДЁ бўлиmidан жўнатилаётган хатларни рўйхатга олиш дафтари**

Т/р	Санаси	Хат жўнатилаётган ташкилот номи	Хатнинг қисқача мазмуни
1	02.01.05й	Қариши шаҳар ФХДЁ бўлимига	Аирапов ва Исмаатовларнинг 1975 йилда қайд этилган никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувидан нусха юбориши тўғрисида
2	02.01.05й	Бахмал туман ИИБ	2005 йил январь ойида ўлган фуқароларнинг паспортлари. Жами — 123 та
3	03.01.05й	Вилоят ФХДЁ архивига	12.12.2004 йилда 121-д/ё билан фуқаролар Шамсиев К.А. ва Шамсиева Р.Г.ларнинг никоҳдан ажралганлиги ҳақида хабарнома
4	05.0105й.	Вилоят Адлия бошқармасига	2004 йил давомида амалга оширилган ишлар бўйича ахборот

**РЕСПУБЛИКА ФҲДЁ ОРГАНЛАРИДА ЮРИТИЛИШИ  
ЛОЗИМ БЎЛГАН ИШ ҲУЖЖАТЛАРИ  
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

**I. ТУФИЛГАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ**

- I/1. Гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтари.
- I/2. Алфавит.
- I/3. Ёлғиз оналар аризалари йиғмажилди ва рўйхат дафтари.
- I/4. Оталикни белгилаш аризалари йиғмажилди ва рўйхат дафтари.
- I/5. Фарзандликка олиш ҳақида ҳоким қарорлари йиғмажилди ва рўйхат дафтари.
- I/6. Туғилганликни муддатини ўтказиб қайд этиш ҳужжатлари (16 ёшгача).
- I/7. Ташлаб кетилган ва уйда туғилган болаларнинг туғилишини қайд этиш бўйича йиғилган ҳужжатлар йиғмажилди.

**II. НИКОҲНИ ҚАЙД ЭТИШ**

- II/1. Гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтари.
- II/2. Алфавит
- II/3. Никоҳга кириш ҳақида аризалар йиғмажилди ва рўйхат дафтари.
- II/4. Қайд этилган никоҳлар бўйича аризалар йиғмажилди.
- II/5. Муддатида қайд этилмаган аризалар йиғмажилди.
- II/6. Оила дорилфунуни бўйича ҳужжатлар йиғмажилди.

**III. НИКОҲДАН АЖРАТИШ**

- III/1. Гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтари.
- III/2. Алфавит.
- III/3. Эр-хотиннинг никоҳдан ажралиш ҳақидаги биргаликдаги аризалари йиғмажилди ва рўйхат дафтари.
- III/4. Дастлабки далолатнома ёзувлари бўйича ҳужжатлар йиғмажилди.
- III/5. Қўшимча асосида ҳужжатлар йиғмажилди.
- III/6. Муддатида қайд этилмаган аризалар йиғмажилди.

**IV. ЎЛИМНИ ҚАЙД ЭТИШ**

- IV/1. Гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтари.
- IV/2. Алфавит.
- IV/3. Ўлганларнинг рўйхатлари:
  - а) паспорт бўлимига;
  - б) мудофаа бўлимига;
  - в) 16 ёшгача ўлганларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномалари.
- IV/4. 16 ёшгача ўлганларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномаларини йўқ қилиш далолатномалари.
- IV/5. Муддатини ўтказиб қайд этиш бўйича ҳужжатлар йиғмажилди.



## V. ДАЛОЛАТНОМА ЁЗУВИГА ЎЗГАРТИРИШ, ТУЗАТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

**V/1.** Далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш дафтари ва ҳужжатлар йиғмажилди.

**V/2.** Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси асосида ўзгартириш киритиш бўйича ҳужжатлар йиғмажилди.

## VI. ФАМИЛИЯ, ИСМ ВА ОТА ИСМИНИ ЎЗГАРТИРИШ

**VI/1.** Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар рўйхат дафтари ва ҳужжатлар йиғмажилдлари.

## VII. ДАЛОЛАТНОМА ЁЗУВЛАРИНИ ТИКЛАШ

**VII/1.** Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш дафтари ва ҳужжатлар йиғмажилди.

**VII/2.** Фарзандликка олинганлик сабабли тикланган далолатнома ёзувлари нусхалари йиғмажилди.

## VIII. АРХИВ

**VIII-Ф.** Архив фонди.

**VIII-Г.** Адлия бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш ва тарқатиш дафтари (ҚФЙнинг ФХДЁ бўлимидан олинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш ва сарфлаш дафтарлари).

**VIII-К.** Хат, сўровномаларни рўйхатга олиш дафтари ва уларнинг йиғмажилди (Кириш дафтари).

**VIII-Ч.** ФХДЁ органидан жўнатилаётган хат, сўровнома ва аризалар рўйхат дафтари ва хат нусхалари йиғмажилди (Чиқим дафтари).

**VIII/1.** Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳнома сўралган аризалар йиғмажилди.

**VIII/2.** Никоҳ ҳақида такрорий гувоҳнома сўралган аризалар йиғмажилди.

**VIII/3.** Никоҳдан ажралганлик ҳақида такрорий гувоҳнома сўралган аризалар йиғмажилди.

**VIII/4.** Ўлим ҳақида такрорий гувоҳнома сўралган аризалар йиғмажилди.

## IX. ФХДЁ ОРГАНИ ҲИСОБОТИ

**IX/1.** 97-шакл бўйича ҳисоботлар йиғмажилди.

**IX/2.** 22(14)- шакл бўйича ҳисобот йиғмажилди.

**IX/3.** 1-шакл бўйича ҳисобот йиғмажилди.

**IX/4.** Молиявий ҳисоботлар (Давлат божи, герб йиғими ва пуллик ҳуқуқий хизмат) йиғмажилди.

**IX/5.** ФХДЁ органида ўтказилган текширишлар натижалари йиғмажилди.

**Х. ИШ РЕЖАСИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА ИЖРОСИ**

**Х/1.** Йиллик иш режаси ва режа бўйича бажарилган ишларнинг маълумотномалари йиғмажилди.

**Х/2.** ФХДЁ соҳасига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар.

**Х/3.** Юқори ташкилотларнинг топшириқ ва кўрсатмалари.

**Х/4.** Қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан олиб борилган ишлар.

11-ИЛОВА

ФХДЁ бўлими  
штампи

**ТУГИЛГАНЛИК ҲАҚИДА МАЪЛУМОТНОМА № \_\_\_\_\_**  
(суғурта кассасига топшириш учун)

Фуқаро \_\_\_\_\_нинг  
(фамилия, исм ва ота исми)

\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ой \_\_\_\_\_ кунда туғилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви  
\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ой \_\_\_\_\_ кунда \_\_\_\_\_ сон билан \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ да қайд этилди.

(ФХДЁ органи номи)

Ота-онаси:

Отаси \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, ота исми ва миллати)

Онаси \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, ота исми ва миллати)

ФХДЁ органи муdiri  
М.Ў.

ИМЗО

фамилия

12-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ шаҳар, туман  
ФХДЁ бўлими муdirига

(аризачининг фамилияси, исми, ота исми)

(яшаш манзили)

(паспорт серияси, рақами, қачон, ким томонидан берилган)

**А Р И З А**

Мен қонуний никоҳда бўлмаганлигим сабабли, 200\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи  
\_\_\_\_\_ кунда туғилган ўғлим, (қизим) нинг фамилиясини \_\_\_\_\_,  
исмини \_\_\_\_\_ ота исмини \_\_\_\_\_  
деб ёзиб,

отаси ҳақида маълумотлар устунда:  
 фамилиясини \_\_\_\_\_  
 исмини \_\_\_\_\_  
 миллатини \_\_\_\_\_ деб кўрсатиб  
 туғилганлигини қайд этиб, гувоҳнома беришингизни сўрайман.

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил \_\_\_\_\_  
 Имзо, фамилия

13-ИЛОВА

**Ёлғиз оналар аризаларини рўйхатга олиш  
 Д А Ф Т А Р И  
 (2005 йил)**

Тартиб рақами ва санаси	Аризачининг фамилияси, исми ва ота исми	Д/ё рақами ва санаси
1, 4.05.2005й	Қурбонова С.К.	120- 30.04.05й.
2, 07.05. 2005й	Салимова М.М.	135- 01.05.05й.
1, 4.05.2005й	Комилова А.З.	1380-15.12. 05й.

14-ИЛОВА

ФХДЁ бўлими  
 штапти

**М А Ё Л У М О Т Н О М А**

\_\_\_\_\_ шаҳар, туман ФХДЁ бўлимида  
 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кунда \_\_\_\_\_ шаҳрида туғилган  
 боланинг фамилияси \_\_\_\_\_  
 Исми \_\_\_\_\_  
 Ота исми \_\_\_\_\_ деб ёзилиб,  
 Онаси \_\_\_\_\_  
 (фамилияси, исми ва ота исми)

Отаси \_\_\_\_\_ лар  
 (фамилияси, исми ва ота исми)

деб кўрсатилиб, \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кунда \_\_\_\_\_ сон  
 билан туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилди.

**Ота ҳақидаги маълумотлар она аризасидаги кўрсатма асосида ёзилди.**

ФХДЁ органи мудири  
 М.Ў.

имзо

фамилия

15-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар)

ФХДЁ бўлимига

\_\_\_\_\_

аризачи(лар)нинг яшаш манзили

\_\_\_\_\_

(фамилия, исм, ота исмлари)

**А Р И З А**

Бизнинг (менинг) 200\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_ кунда туғилган фарзанди-  
мизнинг туғилганлигини \_\_\_\_\_

(вақтида қайд эттирмаганлик сабаби кўрсатилсин)

\_\_\_\_\_ сабабли ўз вақтида қайд эттира олмаганлигимиз туфайли, унинг фамилиясини  
\_\_\_\_\_ исмини \_\_\_\_\_

ота исмини \_\_\_\_\_ деб кўрсатиб,  
туғилганлигини қайд этиб, гувоҳнома беришингизни сўраймиз.

Илова: 1.Туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома,  
2.Соғлиги тўғрисида шифокор маълумотномаси.

Аризачи(лар)нинг имзоси

200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

16-ИЛОВА

**Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини  
қайд эттириш тўғрисида ариза**

\_\_\_\_\_ туман(шаҳар)

ФХДЁ бўлимига

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ туман, шаҳар халқ таълими бўлими  
васийлик ва ҳомийлик органи (ИИБ, бола жойлаштирилган муассаса маъмурияти)  
\_\_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_да топиб олинган (ташлаб кетилган) ўғил (қиз)  
боланинг туғилганлигини фамилияси, исми, ота исмини \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ туғилган вақти (йили,ойи,куни) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ туғилган жойи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ отаси (Ф.И.О., миллати) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ онаси (Ф.И.О., миллати) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ деб кўрсатиб қайд этишни сўрайди.

Илова: 1. Боланинг ёши, жинси ва соғлиги тўғрисида тиббий маълумотнома.  
2. Боланинг топилганлиги ҳақида далолатнома (баён).

Васийлик ва ҳомийлик  
органи (ИИБ) бошлиғи

имзо

Ф.И.О.

17-ИЛОВА

**Оталикни белгилаш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш  
ДАФТАРИ  
(2005 йил)**

Кирим рақами ва санаси	Ота-онанинг фамилияси, исми ва ота исми	Д/ё рақами ва қайд этилган санаси
1 03.01.2005й.	Каттахўжаев С.Ш. Каттахўжаева Ш.К.	27- 14.01 93й
2 05.02. 2005й.	Феоктистов В.В. Ли Р. А.	171 - 5.02. 05й
3 03.03. 2005й.	Эрметова Г.С. (суд қарори асосида)	293- 1.03. 2001й
4 10.11. 2005й.	Каримов Б.С. Эгамова У.К. (ҳомиладор)	

18-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ шаҳар (туман)  
ФХДЁ бўлими мудирига

**ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ҲАҚИДА  
АРИЗА**

Биз қуйида имзо чекувчилар \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кунида туғилган  
(туғилганлиги 200\_\_ й. \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кунида \_\_\_\_\_  
туман (шаҳар) ФХДЁ бўлимида \_\_\_\_\_сонли далолатнома ёзуви билан фамилияси  
\_\_\_\_\_ исми \_\_\_\_\_ ота исми  
\_\_\_\_\_ деб қайд этилган) фарзандимизга оталикни бел-  
гилашингизни сўраймиз.

Ўзимиз ҳақида маълумотлар:

	Онаси	Отаси
1. Фамилия, исми ва ота исми		
2. Туғилган вақти		
3. Миллати		

	Онаси	Отаси
4. Қаерда ва ким бўлиб ишлайди		
5. Маълумоти		
6. Доимий яшаш жойи		
7. Шахсини тасдиқловчи ҳужжати қачон, ким томонидан берилган		

Оталик белгилангач, боланинг фамилиясини \_\_\_\_\_  
 исмини \_\_\_\_\_ ота исмини \_\_\_\_\_  
 деб ёзишингизни сўраймиз.

Илова: Туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома ёки боланинг туғилганлик  
 ҳақида гувоҳномаси

**Имзолар:** Она \_\_\_\_\_  
 Ота \_\_\_\_\_

Кириш № \_\_\_\_\_  
 сана \_\_\_\_\_

Ижро ҳақида белги:д/ё \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 19(2000) йил  
 гувоҳнома берилди \_\_\_\_\_ йил.

(серияси, рақами, берилган санаси)

ижрочининг фамилияси ва имзоси

19-ИЛОВА

ФХДЁ органи  
 штамп

**ОТАЛИК БЕЛГИЛАНГАНЛИГИ ҲАҚИДА  
 МАЪЛУМОТНОМА № \_\_\_\_\_**

Фуқаро \_\_\_\_\_  
 (отанинг фамилияси, исми ва ота исми)

фуқаро \_\_\_\_\_ дан  
 (онанинг фамилияси, исми ва ота исми)

200\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кунда туғилган \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_ нинг отаси деб танилди ва бу ҳақда  
 (д/ё бўйича боланинг ф.и.о)

\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кунда \_\_\_\_\_  
 (д/ё қайд этган ФХДЁ органи номи)

ФХДЁ бўлимида қайд этилган «\_\_\_\_» сонли туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзу-  
 вига ўзгартиришлар киритилди ва боланинг \_\_\_\_\_  
 (оталик белгилангандан кейинги фамилияси, исми ва ота исми)

\_\_\_\_\_ деб ёзилиб, \_\_\_\_\_ рақамли гувоҳнома берилди.

ФХДЁ бўлими мудир  
 М.Ў.

имзо

Ф.И.О.

ФХДЁ бўлими  
штампи

20-ИЛОВА

Республика, вилоят, шаҳар  
ФХДЁ архивига

**Оталик белгиланганлиги ҳақида  
Х А Б А Р Н О М А**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 61-62-моддаларига кўра 19\_\_ йил  
\_\_ ойи \_\_ кунни туғилган \_\_\_\_\_  
(ф.и.о.)

\_\_\_\_\_га нисбатан  
(\_\_\_\_\_ туман, шаҳар судининг) ота-онасининг биргалликда берган  
2000 йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кундаги \_\_\_\_\_ (қарорига) аризасига асосан оталик  
белгиланди.

Шу сабабли \_\_\_\_\_ (ҚФЙ) туман, шаҳар ФХДЁ бўлимида 19\_\_ йил  
\_\_ ойи \_\_ кунни \_\_ сон билан қайд этилган далолатнома ёзувига қуйи-  
даги ўзгартиришлар киритилиши зарур:

**Боланинг фамилияси, исми, ота исми** \_\_\_\_\_

**Отаси:**

1. Фамилияси, исми, ота исми \_\_\_\_\_

2. Туғилган вақти \_\_\_\_\_

3. Миллати (фуқаролиги) \_\_\_\_\_

4. Қаерда ва ким бўлиб ишлайди \_\_\_\_\_

5. Маълумоти \_\_\_\_\_

(Она никоҳдан кейин фамилиясини ўзгартирган бўлса, бу ҳақда никоҳ ҳақида  
гувоҳнома ёки д/ё асосида тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

\_\_\_\_\_ )

ФХДЁ бўлими мудирини  
муҳр

имзо

фамилия

21-ИЛОВА

**Фарзандликка олиш ҳақидаги ҳоким қарорларини  
рўйхатга олиш  
Д А Ф Т А Р И (2005 йил)**

Т/р ва санаси	Ҳокимлик номи, Қарорнинг санаси ва рақами	Фарзандликка олган шахс(лар)нинг фамилия, исм, ота исми	Д/ё рақами, қайд этилган йили ва санаси	Берилган гувоҳнома рақами
1. 15.01.	Ҳамза туман ҳокими 2002й. 10.01. № 5	Саидахмедов С. Саидахмедова Г.	215-99 й. 20.07.	ITN – № 0002516
2. 21.02	Ҳамза туман ҳокими 2002 й. 20.02. № 18	Каримова Ш.	820-98 й 12. 09.	ITN – № 0065517
3. 03.03	Чуст туман ҳокими 2002 й. 20.01. № 7	Матросов И.Г.	354-90 й 29.07	ITN- № 0004589

22-ИЛОВА

ФХДЁ бўлими  
штампи

+

**ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНЛИК ҲАҚИДА  
МА Ё Л У М О Т Н О М А**

Фуқаро \_\_\_\_\_  
(боланинг фарзандликка олингунгача ф.и.о.)

19\_\_ йил \_\_\_\_\_ ой \_\_\_\_\_ кун \_\_\_\_\_ Республикаси  
\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ туман(шаҳар)ида туғилган,  
\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) Ҳокимининг \_\_\_\_\_ йил «\_\_»  
\_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ сонли қарорига асосан фуқаро(лар) \_\_\_\_\_  
(фарзандликка олганларнинг фамилия, исм ва ота исмлари)

томонидан фарзандликка олиниб, боланинг фамилияси \_\_\_\_\_ исми  
\_\_\_\_\_ ота исми \_\_\_\_\_ деб ўзгартирилиб,  
\_\_\_\_\_ рақамли гувоҳнома берилди.

ФХДЁ бўлими мудир  
М.Ў.

имзо

фамилия



ФХДЁ бўлими  
штампи

23-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ вилоят,  
\_\_\_\_\_ шаҳар(туман)  
ФХДЁ бўлими(архиви)га

**Фарзандликка олинганлик ҳақида  
Х А Б А Р Н О М А**

\_\_\_\_\_ туман, шаҳар ҳокимининг 200\_\_ йил  
\_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кундаги \_\_\_\_\_ сонли қарорига асосан  
19\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кунда \_\_\_\_\_ сон билан  
\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ФХДЁ бўлимида қайд этилган  
\_\_\_\_\_ нинг

(боланинг фарзандликка олингунгача бўлган фамилияси, исми ва ота исми)

туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига қуйидаги янги маълумотларни кирити-  
шингизни сўрайман:

Боланинг фамилияси \_\_\_\_\_  
исми \_\_\_\_\_  
ота исми \_\_\_\_\_  
туғилган йили ва санаси \_\_\_\_\_  
туғилган жойи \_\_\_\_\_  
Отаси \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, ота исми, миллати,

туғилган йили ва санаси, иш жойи ва лавозими)

Онаси \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, ота исми, миллати,

туғилган йили ва санаси, иш жойи ва лавозими)

Ота-онанинг никоҳи \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ кунда \_\_\_\_\_ сонли  
далолатнома ёзуви билан \_\_\_\_\_ туман(шаҳар) ФХДЁ бўли-  
мида қайд этилган.

ФХДЁ бўлими мудирини  
М.Ў.

имзо

фамилия

24-ИЛОВА

**Никоҳга кириш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш  
Д А Ф Т А Р И (2005 йил)**

Т/р	Ариза берилган сана	Тиббий кўриққа берилган йўлланма рақами	Аризачиларнинг фамилияси, исми, ота исми	Никоҳни қайд этиш куни	Никоҳ қайд этилганлиги ҳақида белги	Изоҳ
1.	03.01	1	Мелиев А.К	04.02.	д/ё75	
2.	03.01	2	Ғаниева С.Ш.	04.02	04.02. д/ё	
		3	Федоров В.Н.		76	
		4	Смирнова Н.В.		04.02.	
3.	04.01		Каримбердиев Х. Мадраҳимова М.	05.02.	д/ё 77 04.01.	келин ҳомиладорлиги сабабли муд-т қисқартирилди
4.	04.01	7 8	Салимжонов Т. Мирзаева М.	05.02.	д/ё 78 05.02.	

25-ИЛОВА

— Давлат божи паттаси

Никоҳни қайд этиш

200\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_ кунига тайинланди.

Аризани қабул қилган мансабдор шахснинг фамилияси ва имзоси \_\_\_\_\_

Никоҳ қайд этилди д/ё \_\_\_\_\_

200\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_ кун

\_\_\_\_\_  
ФХДЁ органи номи)

Берилган гувоҳнома рақами \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

**Никоҳга кириш ҳақида  
А Р И З А**

I.	Кўёв	Келин
1. Фамилияси		
2. Исми		
3. Ота исми		
4. Туғилган вақти ва тўлган ёши	«___» _____ 19__ й «___» ёшга тўлган	«___» _____ 19__ й «___» ёшга тўлган
5. Туғилган жойи (Республика, вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ)		

	Куёв	Келин
6. Қаерда, ким бўлиб ишлайди		
7. Миллати		
8. Маълумоти		
9. Оилавий аҳволи (никоҳда бўлмаган, бева, ажрашган)		
10. Умумий болалари ҳақида маълумот (исми, туғилган йили)		
11. Доимий яшаш жойи (манзили тўлиқ кўрсатилсин) Доимий рўйхатда	200 йилдан	200 йилдан
12. Нечанчи никоҳи		
13. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат (серия, рақами, қачон, ким томонидан берилган)		

(орқа тарафига қаралсин)

(аризанинг орқа тарафи)

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддаси билан таништирилдик. Никоҳ тузишимизга монелик қиладиган ҳолатлар йўқ.

Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари билан танишимиз. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни яширганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилдик.

Никоҳ қайд этилгандан сўнг қуйидаги фамилияларда бўлишни хоҳлаймиз:

\_\_\_\_\_ эр \_\_\_\_\_ хотин  
 Никоҳга кирувчиларнинг никоҳгача бўлган фамилияси ва имзолари:  
 Куёв \_\_\_\_\_  
 Келин \_\_\_\_\_

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.  
 (ариза топширилган сана)

Кириш № \_\_\_\_\_  
 Сана \_\_\_\_\_

## II.

**Белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтиб, унинг натижалари билан бир-биримизни таништирдик. Бир-биримизнинг соғлиғимиз ва оилавий аҳволимиз тўғрисида маълумотга эгамиз. Бизга келажакда эр-хотин ва ота-она сифатидаги ҳуқуқ ва бурчларимиз тушунтирилди. Никоҳ тузишга ўзаро розилигимизни билдириб, уни қонуний рўйхатдан ўтказишингизни сўраймиз.**

Куёв \_\_\_\_\_  
 (никоҳгача фамилияси) \_\_\_\_\_ имзоси

Келин \_\_\_\_\_  
 (никоҳгача фамилияси) имзоси

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

26-ИЛОВА

**Қайд этилган никоҳлар бўйича аризалар йиғмажилдининг  
ички чап томонига ёзиладиган маълумотлар намунаси**

Ойлар	Жами қайд этилган никоҳлар сони	Никоҳ ёши қисқартирилган	Чет элликлар билан никоҳ	Давлат божи
<b>1 - чорак</b>				
январь	80	1	1	104.480
февраль	125	-	3	163.250
март	230	3	-	300.380
<b>Жами.</b>	<b>435</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>568.110</b>

27-ИЛОВА

**Никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш  
Д А Ф Т А Р И (2005 йил)**

